*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 194 (4582).
27 АВГУСТ 1981 й.
ПАЙШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## АВГУСТ ПЕДАГОГИКА КЕНГАШЛАРИ

Янги ўқув йили яқинлашиб келмоқда. Анъанага кўра ўқитувчилар мактаблар фаолиятининг, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг муҳим масалаларини муҳокама қилмоқ учун ўзларининг педагогик кенгашларига йиғилмоқдалар.

**БУГУН**

**шаҳарнинг барча районларида ялпи йиғилишлар ўтказилиб, уларда КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съезди тарихий қарорлари ҳамда XII республика педагогик ўқишларининг тавсияномалари асосида таълимни, ўқувчиларнинг меҳнат ва ахлоқ тарбияси сифатини янада ошириш, ўқув-тарбия ишларини ташкил этишни янада такомиллаштириш борасида халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими ходимларининг вазифалари муҳокама қилинди.**

Ўқувчиларнинг билими сифати, уларнинг ғоявий чиниқиши даврнинг талабларига тўла-тўкис жавоб бермоғи учун халқ маорифи ходимлари бир қатор тадбирларни белгилаб олдилар, бу тадбирлар орасида оила ва мактаб ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш, мактабни тарбиявий ишлар марказига айлантириш, ўқитувчилар тайёрлашни такомиллаштириш масалалари, мактаб ўқувчиларининг сиёсий билимларни янада самарали эгаллашлари каби масалалар бор.

Умумий ўрта таълим мактаблари илмий бўлим мудирлари, синфдан ташқари ишлашнинг ташкилотчилари, физика, химия, биология, тарих ўқитувчилари ва халқ маорифининг бошқа ходимлари иштирокида ўтаётган бу методик кенгашларда олиб борилган ишларнинг натижалари чуқур таҳлил этилмоқда, ўқув-тарбия жараёнларининг бутун комплексини яхшилаш йўллари белгилаб олинмоқда.

Ялпи йиғилишларда ва секцияларда муҳокама қилинган масалалар ўқувчиларнинг фан асосларини чуқур ва мустаҳкам эгаллашларига, уларда юксак ахлоқ сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

## БУГУН — СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

# Муҳим соҳа истиқболи

**Бугун мамлакатимиз киностудияларининг коллективлари, кинопрокат ва кинотеатрларнинг ходимлари ўз байрамлари — Совет киноси кунини нишонлаяптилар. Кино совет кишилари маънавий ҳаётида катта ўрин тутиб келди ва ҳозир ҳам социалистик турмуш тарзини акс эттиришда, ёшларни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қиляпти. Шаҳримиз кинотеатрларининг ходимлари ҳам КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга изчил тадбиқ эта бориб, аҳолига хизмат кўрсатишни тобора яхшилаяптилар. Бу ҳақда сўзлаб беришни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кинолаштириш бошқармаси бошлиғи Турғун Умарович ХИДИРОВдан сўрадик.**

— Бугунги турмушимизни кино санъатисиз тасаввур этиш қийин. Партиямизнинг XXVI съезди қарорларида санъатнинг ана шу соҳаси совет кишилари дунёқарашини шакллантиришда, маънавий эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтилди. Аҳолига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш, таълим ва тарбия ишида кинодан кенг фойдаланиш зарурлиги уқтирилган. Чунки кино тарбия воситаси бўлиб-гини қолмай, кишиларнинг бўш вақтларини фойдали ўтказиш, дам олишларини кўнгилли, мазмунли ташкил этиш омилларидан биридир.

Ўзбекистон пойтахтининг кинолаштириш ходимлари ҳам жонажон партиямиз қарорларидан руҳланиб, ҳамшаҳарларимиз г а кино хизмати кўрсатиш маданиятини янада юксалтириш учун курашяптилар. Шуниси қувончлики шаҳар кино тармоқлари коллективи шу йилнинг иккинчи кварталидаги муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети ва маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Шаҳар кино тармоғини ривожлантиришга ўтган беш йилликда катта эътибор берилганлигини айтиб ўтиш керак. Шу даврда қишки кинотеатрлардаги ўринлар сони 2500 тага кўпайди. 3160 ўринли ўнта ёзги кинотеатр, 37 та мактаб кинотеатри ишга туширилди.

Бугунги кунда Тошкентда давлат кино тармоғига қарашли 138 та кинотеатр ва кино установка бўлиб, улар бир пайтда 39757 томошабинга хизмат кўрсата олади.

Бошқармамиз ходимлари мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим саналарга бағишланган тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор беришяпти. Энг яхши ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар кўрсатувлари томошабинларга манзур бўляпти. Фильмлар фондидан самарали фойдаланиш, мамлакатимизга яратилган энг яхши фильмларни пропаганда қилиш, ахборот-реклама ишини кенгайтиришга қаратилган қатор тадбирлар ҳам амалга оширияпти. Тематик кинопрограммалар, кинопанорамалар, янги фильмларнинг жамоат кўриклари ўтказиш анъанага айланди. Томошабинларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўриляпти.

Бошқармамиз тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли планини ишлаб чиққан. Унда Қўйлиқ, Шимоли-Шарқ, Қорақамиш массивлари ва Чилонзор массивининг Акмал Икромов районига қарашли қисмида кинотеатрлар камлиги ҳисобга олинган. Жумладан, шу йил охиригача Чилонзор массивининг 24-кварталида 800 ўринли қишки кинотеатр қурилиши тугалланади. Қўйлиқ массивида икки залли кинотеатр қуриш учун техник ҳужжатлар 3-қурилиш трестига топширилди. Шаҳар марказида уч залли кинотеатр қурилиши давом этяпти.

1982 йилдан то 1985 йилгача шаҳарда жами 6900 ўринли 9 та қишки, 2000 ўринли ўнта ёзги кинотеатр қурилиши ва фойдаланишга топширилиши керак. Мактабларда 95 та аппарат ўрнатилади. Буларнинг ҳаммаси аҳолига кино хизмати кўрсатишни янада яхшилаш имконини беради.

Суҳбатни **М. МУРОДОВ** ёзиб олди.

# КЎПЛАБ, ХИЛМА-ХИЛ, СИФАТЛИ БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

**«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да «АҲОЛИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ БАРЧА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ, ҲАММА КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ, БАРЧА ПАРТИЯ, СОВЕТ, ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИ ВА КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИШИ ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН» дейилган. Эндликда бу масала партия ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди. Куни кеча КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1981—1985 йилларда энг зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг шу моллларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга доир тадбирлар тўғрисида» ҳамда «1981—1985 йилларда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилини яхшилаш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилдилар. Бу ҳужжатларда бир қатор тармоқларни янада ривожлантириш, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун резервларни қидириб топиш ва улардан тўла фойдаланиш бўйича меҳнат коллективларининг аниқ вазифалари белгилаб берилган.**

**Бизнинг шаҳримизда бу йўналиш бўйича талай ишлари амалга ошираётган меҳнат коллективлари кўплаб топилади. Масалан, агрегат ва «Ташавтоматика» заводлари коллективлари меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ишлаб чиқариш ички резервларидан унумли фойдаланиш, тежамкорлик ҳаракатини кучайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва социалистик мусобақани авж олдириш ҳисобига ўн биринчи беш йилликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни 1980 йилга нисбатан 1,8—2 баравар кўпайтириш ташаббуси билан чиқдилар.**

**Тошкент самолётсозлари халққа турли-хил ва ажойиб буюмлар етказиб беряптилар. «Ташэлектромаш» заводи ниҳоят буюмлар ассортиментини бир мунча бойитишга эришди. «Қизил тонг», «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмалари, миллий чолғу асбоблари фабрикаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини анча кўпайтирдилар. Бироқ бир қатор шундай корхоналар борки, турли хил сабабларни рўкач қилиб, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришдан бош тортяптилар. Масалан, санитария-техника жиҳозлари заводини олайлик. Ҳар қандай ЖЭКда кран, вентиляция системаси, санитария узелларининг турли хил эҳтиёт қисмлар, деталлар етишмайди, йўқ. Нима учун ихтисослаштирилган корхоналардагилар шаҳарликларни бундай буюмлар билан таъминлашни ўйламайдилар деб айтишади. Магазинларда қулф, эшик бандлари, илмоқлар кўринмайди. Ахир бу «ноёб» буюмларни ишлаб чиқаришга қодир қанчадан-қанча ремонт-механика заводлари бор-ку!..**

**Лиҳачёв номли Москва автомобиль заводи кенг истеъмол буюмлари сифатида «ЗИЛ» холодильниклари ишлаб қиқаради. Буни мамлакатимизда энг яхши совутгичхона эканлигини ҳар бир киши яхши биладн. Халқ истеъмол буюмининг сифати демак шундай экан, биз тошкентликлаар бу борада москваликлар-га тенглашишимиз керак.**

## ЛОЙИҲА ҚУВВАТИГА ЭРИШИЛАДИ

Агар Сиз командировкага, дам олишга ёки бозорга отланар экансиз, албатта қўлингизда чамадон, йўл ёки хўжалик сумкаси бўлади. Бу бизнинг маҳсулотимиздир. Агар кўчада кетаётган бирон бир «Москвич» машинасини тўхтатиб, салондаги ўриндиқ ғилофини кўринг, албатта бу ҳам бизнинг маҳсулотимиздир. Ёки спортчи машқ қилаётган спорт буюмларини олайлик. Бу ҳам бизнинг маҳсулотимиздир. Хуллас ҳозирда коллективимиз жами 54 хил халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаряпти.

Маълумки, корхонамизнинг янги ишлаб чиқариш корпуси 31 декабрда ишга туширилган эди. Шундан буён унинг лойиҳа қувватини ўзлаштирямиз.

Унинг қуввати йилига 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир. Бу йил 24 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. Ҳозирда белгиланган қувватга эришиш учун хусусан янги линияларни ўзлаштириш, янги дастгоҳларни ишга тушириш ишларини давом эттирмоқдамиз.

Буларнинг ҳаммаси бизга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ассортиментни бойитиш, буюмларнинг сифатини яхшилаш — харидоргирлигини ошириш имконини бермоқда. Чунончи, ўтган йили 20 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдик. Кейинги йилнинг ўзида бир неча хил янги маҳсулот ўзлаштирдик. Аёлларнинг йўл сумкалари, турли хил папкалар, чамадон ва рюкзаклар ҳамда спортчиларнинг «самбо» куртканлари шулар жумласидандир. Давлат Сифат белгиси билан ўтган етти ойликда савдо корхоналарига 2 миллион 875 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Бу планда белгиланганидан анча кўп, демакдир. Фахрли беш қирали белги билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий маҳсулот ҳажмининг 19,6 процентини ташкил этади. Биргина етти ойликда пландан ташқари 500 минг сўмликка яқин маҳсулот реализация қилдик. Бир сўз билан айтганда, коллективимиз аҳоли учун кўплаб, рангбаранг, сифатли кенг истеъмол буюмлари етказиб бериш учун курашмоқда.

**С. САИДКАРИМОВ,**
**кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.**

## ИЛҒОР ТЎҚУВЧИ НАМУНАСИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш тўғрисидаги қарорлари Тошкент тўқимачилик комбинати коллективини илҳомлантириб юборди. Тўқимачилар ана шу қарорларга зарбдор меҳнат билан жавоб беришга аҳд қилдилар.

Иккинчи тўқув фабрикасининг тўқувчиси, КПСС аъзоси Каромат Ёқуббоева шу кунларда айниқса ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Шахсий беш йиллик топшириқларини Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллигига бажариш ташаббуси билан чиққан илғор тўқувчи шу кунларда 1982 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Комбинатнинг кўплаб ёш ишчилари унинг ташаббусига қўшилдилар.

**СУРАТДА: Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор тўқувчиси Каромат Ёқуббоева.**
**А. Кошкин фотоси, [ЎзТАГ].**

• Харидорлар манфаатини ҳисобга олиб
• Корхона—магазин ўртасидаги алоқа яхшилансин

# МАШИНАСОЗЛАРНИНГ РЕЖАЛАРИ

**«... АҲОЛИГА СОТИШ УЧУН САНОАТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ НИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР ҚИДИРИБ ТОПИЛСИН!»**

**(КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қаридан).**

**БУГУН**

**агрегат заводи йил бошидан буён 1 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарди. Янги хил буюмлар— рўзғорда мева ва сабзавот маҳсулотларини консервалашда асқотадиган универсал таглик ва қопқоқни мустаҳкамловчи ёпгич-қисқичлар ишлаб чиқарадиган махсус мослама ишга туширилди. Шунингдек, ҳаваскор боғбонлар учун керакли бўлмиш нарвончалар ишлаб чиқариш учун унинг чизмаларини тайёрлашга киришилди.**

**Мухбиримиз билан бўлган суҳбатда завод бош конструктори И. ГУРЕВИЧ шундай деди:**

— КПСС XXVI съездининг кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг ассортиментини кенгайтириш тўғрисидаги қарорини заводимиз коллективи жанговар программа сифатида қабул қилди. Машинасозлар янги беш йилликда уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқдилар. 1985 йил охирига келиб корхонамизда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпаяди, 5—6 хил янги буюмлар ишлаб чиқаришга ўзлаштирилади. Фақат шу йилнинг ўзида топшириққа қўшимча 60 минг сўмликкача маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаганмиз.

Маълумки, машинасозларимизнинг ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тўғрисидаги ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қизғин маъқуллаган эди.

Бу бизга зиммадаги мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун курашни янада кучайтиришни талаб этади. Хўш, бу борада нима қилинди? Яқин кунларда биз мева ва сабзавот маҳсулотларини рўзғорда консервалаш учун универсал таглик ва қопқоқни мустаҳкамловчи ёпгичларни ялпи ишлаб чиқаришга киришамиз.

**— Янги буюмларнинг ўзи қандай?**

— Улар жуда ихчам, ҳатто универсал десак ҳам бўлади. Жумладан, таглик олти бармоқ шаклида ишланган. Улардан учтаси таянч вазифасини бажаради. Теппага қараган, учтаси эса икки литрли банканинг корпусини қисиб, уни керакли вазиятда ушлаб туради. Уни уч литрли балонни қисадиган ҳолга келтирса ҳам бўлади. Шунингдек, бир литрли ва ярим литрли шиша банкалар учун ҳам таглик ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўриляпти. Металлдан ишланган ёпгичнинг тузилиши оддий, унча катта бўлмаган банди бор. Мослама консервалаш учун жуда қулай ва ишончлидир.

Савдо ташкилотлари билан янги маҳсулотни сотиш учун шартнома тузиш пайтида биз сотувчиларга алоҳида ва комплект ҳолда— ўраш машинаси, қисқич, универсал таглик ва 30 та металл қопқоқ билан бирга сотишни тавсия этдик.

Шуниси характерлики, янги буюмларнинг нарҳи қиммат эмас. Масалан, таглик атиги 40 ва 47 тийин, қисқичи эса 1,5 сўм туради, холос.

**— Белгиланган мажбуриятлар қандай бажариляпти, келгуси режалар қандай?**

— Йилнинг етти ойи мобайнида 85,2 мингта давлат Сифат белгиси туширилган қичқич машинаси тайёрлашимиз керак эди. Биз эса 93 мингтадан знёд тайёрлаб бердик. Планда белгиланганидан уч мингта кўп болалар спорт роллери ва 300 та уй нарвони ишлаб чиқарилди.

Шу кунларда қонструктор Г. Азаров боғбонлар учун нарвон лойиҳасини ишлаяпти. Ҳозирги мавжуд конструкцияси аввалгиларидан анча фарқ қилади. У яна 0,5 метрга узайтирилади. Нарвоннинг юқори уч қисмига боғбончилик асбоб-ускуналарини илиб қўйиш учун махсус илмоқ ўрнатилади.

Кичик наборли — консерва очадигани, бигизи ва эговчаси бўлган пичоқча (қаламтарош)нинг чизмалари ишлаб чиқилди. Корхона «папка»сида яна бошқа янги буюмлар ҳам бор.

Лекин, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш учун ихтисослаштирилг а н цехнинг қурилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш лозим. Бу банк кредити, моддий-техника таъминоти билан боғлиқ мураккаб иш. Бироқ барибир бу масалани ҳал этиш лозим. Ҳозир деталь ва узелларни тайёрлаш. уларни йиғиш турли участка ва цехларда амалга оширилияпти. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш, ихтисослаштириш бизга кам маблағ сарфлаб, кўплаб кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш буюмлар ассортиментини бир мунча кенгайтириш имконини беради.

## МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИБ

Коллектив и м и з КПСС XXVI съезди қарорлари асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, унинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериб келяпти. Ўтган ярим йил мобайнида пландан ташқари 707 минг сўмлик ёғмой маҳсулотлари реализация қилинди. Натижада йиллик социалистик мажбуриятимизни бажариш шарафига муяссар бўлдик. Савдо тармоқларига 712 тонна озиқ-овқат саломаси, 84 тонна маргарин маҳсулотлари етказиб берилди.

Маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ўз натижасини кўрсатмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 3,7 процент, майонез ишлаб чиқаришни 5,8 процент, саломас ишлаб чиқаришни 3,7 процент кўпайтиришга муваффақ бўлинди.

Бундай муваффақиятларга мавжуд цехларни реконструкция қилиш, уларни янги техника ва технология билан жиҳозлаш туфайли эришмоқдамиз.

Шу кунларда корхонамизда Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига социалистик мусобақа авж оляпти. Кўплаб ишчилар бу кунгача йиллик топшириқни бажаришга ҳаракат қиляптилар. М. Исоқова, Ф. Шерембетова, Р. Юксаева каби ишчилар шулар жумласидандир.

**Ё. ПЎЛАТОВА,**
**Тошкент ёғ-мой комбинати маргарин цехи ишчиси.**

# КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН ПОЙАФЗАЛЛАР

Шу йилнинг баҳор ойларида «Чилонзор» савдо марказида ташкил қилинган савдо кўргазмасидан кейин пойафзал фабрикаларининг раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда савдода 17—18 размерли болалар пойафзали жуда кам эканлиги, ана шу размердаги буюмларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида жиддий суҳбат бўлган эди. Бу масала «Тошкент оқшоми» газетасининг саҳифасида ҳам кўтарилди. Шунга қарамасдан бу соҳада жиддий ўзгариш бўлгани йўқ.

«Болалар дунёси» савдо фирмасининг харидорлар эҳтиёжини ўрганиш бўлимининг бошлиғи М. И. Дорфман «Узобувьторг»нинг Тошкент область базасига ёзилган хатларни кўрсатди. Улар жуда кўп. Айни пайтда «Узкожобувьпром» саноат бирлашмасига ҳам кўплаб хатлар ёзилган. Чунки савдо фирмаси бу ташкилотлардан товар олади. «Болалар дунёси»даги таклиф ва мулоҳазалар дафтарига эса ота-оналарнинг жуда кўп эътирозлари ёзилган: «Болаларга ғамхўрлик кучайтирилса яхши бўларди. Биз 3—5 ёшли фарзандларимизга сандалет, туфли, ботинка, этик топишга қийналяпмиз. Эҳтимол бу буюмларни республикамиз енгил саноати умуман тайёрламаётгандир?».

Биз бу масала бўйича «Узобувьторг» базаси бошқарувчисининг ўринбосари Рашид Муршидович Гаджиев билан суҳбатлашдик.

Маълум бўлишича ҳозир бу буюмлар базада йўқ экан. —Икки йилдан буён 17—18 размерли болалар пойафзали жуда тақчил бўлиб қолди, — дейди Рашид Муршидович. — Республика енгил саноати бундай пойафзалларни кам тайёрлаяпти. Бунинг сабаби қуйидагича: 1980 йили СССР Енгил саноат министрлиги болалар пойафзалининг хили бўйича янги ҳужжат қабул қилди. Бу ҳужжатда Ўзбекистон ишлаб чиқарадиган пойафзалларнинг размерлари кўрсатилган. Жумладан, 20-размердаги болалар пойафзали умумий болалар пойафзалининг 23 процентини ташкил қилиши кўрсатилган. Айни пайтда 17,5 размерли пойафзал 13 процентга, 17 размерли пойафзал 9,5 процентга, 18 размерли пойафзал 15 процентга қисқарган. Бу ҳужжат йирик илмий-текшириш институтларининг ходимлари иштирокида қабул қилинган. Шунга қарамасдан, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, болалар пойафзали хилларини белгилашда хатога йўл қўйилган.

Буюмнинг сифати яхши бўлиши керак. Болалар пойафзали хушбичим, чидамли ва чиройли бўлиши керак. Уни кийганда болалар ҳақиқий маънода севинишсин. Фабрикаларимиз буюмлар моделларини жуда кам ўзгартирияпти. Бракка йўл қўйишмоқда.

Базанинг савдо бўлими бошлиғи М. С. Тожибоев маҳсулотларга берилган справкани кўрсатди. Шу йилнинг биринчи ярмида база пойафзалларга нотўғри белги қўйилганлиги, сифати яхши эмаслиги учун Чирчиқ, Янгийўл ва Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаларига 50767 жуфт пойафзални қайтариб юборди. Тайёрлаётган болалар пойафзалининг чоклари яхши эмас. Таг чарми қўпол ишланган, қингир-қийшиқ. Улар тайёрланаётган чармларнинг сифати ҳам яхши эмас. Шунингдек, ранги харидорларга ёқмайди.

«Узкожобувьпром» базасида бўлганимизда база бошлиғининг ўринбосари М. А. Муллаев бизга қуйидагиларни айтиб берди.

— Республика фабрикалари ҳар йили 15 миллион жуфтга яқин болалар пойафзали ишлаб чиқаради. Бу умумий маҳсулотнинг ярми демакдир. Шу йилнинг биринчи ярмида топшириққа қўшимча 18 минг жуфт болалар ва 4 минг жуфт ёшлар пойафзали тайёрланди. 17—18 размерли пойафзаллар ҳақиқатдан ҳам жуда кам тайёрланяпти. «Болалар дунёси» ва «Узобувьторг» областлараро базасидан олган хатларимиз асосида биз Янгийўл фабрикасига ана шу размердаги пойафзаллар тайёрлашни кўпайтириш ҳақида кўрсатма бердик. 17 ва 17,5 размердаги пойафзаллар умумий маҳсулотнинг 5 процентини, 17,5 размердаги пойафзаллар 15,5 процентини ташкил этди. 18—20 размерли пойафзал умумий маҳсулотнинг 28,5 процентини ташкил этади. Бу нарса амалга оширилганидан кейин муаммо ҳал қилинади.

Шу йилнинг ўзида республика Енгил саноат министрлиги коллегиясида кўн маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш масаласи икки марта кўриб чиқилди. Ташкилий-техник тадбирлар плани ишлаб чиқилди. фабрика коллективларига амалий ёрдам кўрсатиш учун республика Пойафзал уйи қошида мутахассислар группаси белгиланди. Натижада хом-ашё қабул қилиш устидан назорат кучайди. Кўн заводларида маҳсулот тайёрлаш технологиясига қатъий амал қилина бошланди.

Шу йил ва кейинги йилларда Ўзбекистон енгил саноати кўн-пойафзал тармоғини янада ривожлантириш учун Бутуниттифоқ министрлигидан катта ёрдам олади. Бир неча пойафзал фабрикаларини капитал ремонтдан чиқариш учун маблағ ажратилмоқда.

Янги замонавий ускуналар олинди. Бўёқ маҳсулотлари, хомашё бўйича қўшимча фондлар ажратилади. Литвадаги «Раудоносис Спасис» пойафзал фабрикасининг мамлакатимизда тайёрланган ускуналар ёрдамида пойафзал тайёрлашни яхшилаш тажрибасини ўрганиш планлаштириб қўйилган.

**В. ЛАПИНА.**

## Оҳ-сялок ҳикиси
оқшом суҳбатлари

### НАҚАДАР ЯХШИСИЗ, АЗИЗЛАР!

**Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими М. Расулева ўз мақоласини ана шундай деб атаган. Унда у ўзи меҳнат қиладиган ишхонасидаги ажойиб муаллим-устозлар ҳақида фикр юритади.**

### «ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

**Шу анкета саволларига бугун Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правленеснининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, СССР халқ артисти Малик Қаюмовнинг жавоблари эълон қилинмоқда.**

### ҲАМИЯТ ТУЙҒУСИ

**Фалсафа фанлари кандидати, доцент С. Алимовнинг шу сарлавҳали мақоласида ҳамият туйғуси ҳақида, ҳамиятли кишиларнинг қадри ҳамиша эл-юрт орасида сарбаланд бўлиб келганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.**

### ДОНО БЎЛСА ОНАСИ...

**Журналист З. Ориповнинг мақоласида катта бир ўзбек оиласидаги бола тарбияси, у ердаги ўзаро муносабатлар ҳаётий мисолларда қаламга олинган.**

## тонгги газеталарда

⊙ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезди иши тўғрисида стенографик ҳисоботнинг учинчи томи босмадан чиқди.

Бу томда партия съезди делегатлари нутқларининг текстлари, чет эллик меҳмонларнинг партия ташкилотларида сўзлаган табрик нутқлари, партия ветеранлари, чет мамлакатларнинг партиялари ва ташкилотлари йўллаган табрикномалар эълон қилинган.

Китобда съезд делегатларининг рўйхати берилган.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

⊙ Мамлакатимизда муваффақият билан ўтаётган Совет—Ҳиндистон дўстлик ойлиги Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқларининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг ёрқин далили бўлди. Ойлик икки мамлакат ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартноманинг ўн йиллигига ва Ҳиндистон мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланди.

Ойлик тадбирларида Ҳиндистон —Совет маданият жамиятининг делегацияси, Ҳиндистоннинг бир қанча штатларидан келган меҳмонлар қатнашмоқдалар.

# РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

Қўйлиқдаги 2 автомобиль ремонти заводи цехларида, участкаларида шу кунларда ҳаёт қайнайди. Автослесарлар, электропайвандчилар илдам ҳаракат қилишиб, «Лиаз—677» маркали «Икарус» автомашиналарини ремонт қилмоқдалар. Ўтган йили ташкил этилган бу цехда 30 нафар ишчи машиналарни тузатади.

Цех янгитдан ишга туширилган бўлса-да, ишчилар бу йил 140 та «Икарус» машинасини сифатли ремонт қилишни мўлжалламоқдалар. Цехнинг қўли гул ишчилари қучи билан шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 75 та автобус машинаси ремонтдан чиқарилди.

Цехда давлат планларининг доимо оширилиб ado этилишида коммунистларнинг ҳиссалари катта бўлаётир. Цех бошлиғи, КПСС аъзоси И. Бурнашев автобуслар ремонти сифатининг намунали бўлиши учун жонбозлик кўрсатмоқда. Автослесарлардан В. Госев, А. Абдуқаюмовлар йил бошида «Қолоқларсиз ва сифатли ишлаймиз!» шиори остида янги ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Завод илғор ишчиларининг бу ибратли ташаббусини автобуслари капитал ремонт қилиш цехи слесарлари биринчи бўлиб қўллаб-қувватлади л а р. Ҳозирги кунда корхонанинг учта участкаси ишчилари ана шу ташаббус асосида меҳнат қилиб, корхонада иш унумдорлигининг юқори бўлишига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

«ЛАЗ» автобусларини капитал ремонт қиладиган участкага коммунист Н. Теренть-ев бошчилик қилади. 70 нафар ремонтчидан ташкил топган бу участка ишчилари ҳам ўзларига юклатилган вазифаларни ой сайин муваффақиятли ado этмоқдалар. КПСС аъзоси, ишбилармон мастер И. Аҳроров, электрчи —Е. Салимжоновлар ўн биринчи беш йиллик планнни тўрт йилда бажариш учун курашмоқдалар. Участканинг В. Панкин, В. Шашненко, М. Ғалимов каби қўли гул ишчилари ўнинчи беш йиллик программасини муддатидан бир йил илгари ўринлатган эдилар. Улар ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йили топшириқларини декабрь ойида бажаришмоқчи. Участка коллективи олти ойлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 102 процент ado этилди. Маҳсулот реализация қилиш бўйича ярим йиллик план ҳам ошириб бажарилди.

Завод рационализаторларининг меҳнатлари ҳам унумли бўлмоқда. Фан-техника ютуқларидан ижобий фойдаланаётган янгилик яратувчилар орасида А. Эшмуродов, В. Бутузов, Г. Ваесман каби ишчилар бор. Улар томонидан яратилган ихтиролар эвазига корхона ишлаб турибди. Курс тингловчилари олдида корхона директори, бош инженер, участка мастерлари фан-техниканинг эришган ютуқлари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Бу йил завод бўйича 3 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. Корхона ишчиларининг баракали меҳнатлари натижасида заводда шу йилнинг олти ойлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 102 процент ado этилди. Маҳсулот реализация қилиш бўйича ярим йиллик план ҳам ошириб бажарилди.

Завод партия комитети ҳисобидаги 32 коммунистнинг барчаси ишлаб чиқаришнинг олдинги сафида бориб, меҳнатда кўпчиликка намуна бўлмоқда. Натижада заводда меҳнат унумдорлиги ой сайин ошиб боряпти. Заводда ташкил қилинган малака ошириш курслари мунтазам ишлаб турибди. Курс тингловчилари олдида корхона директори, бош инженер, участка мастерлари фан-техниканинг эришган ютуқлари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Бу йил завод бўйича 3 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. Корхона ишчиларининг баракали меҳнатлари натижасида заводда шу йилнинг олти ойлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 102 процент ado этилди. Маҳсулот реализация қилиш бўйича ярим йиллик план ҳам ошириб бажарилди.

Завод рационализаторларининг меҳнатлари ҳам унумли бўлмоқда. Фан-техника ютуқларидан ижобий фойдаланаётган янгилик яратувчилар орасида А. Эшмуродов, В. Бутузов, Г. Ваесман каби ишчилар бор. Улар томонидан яратилган ихтиролар эвазига корхона ҳар йили ўн минг сўмга яқин фойда кўрмоқда. Улар тинмай изланишиб, ишлаб чиқаришнинг битмас-туганмас резервларини қидириб топиб, ишга солмоқдалар. Резервлар ва ички имкониятларни ишга солиш эвазига келаётган соф фойда натижасида янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилмоқда. Ҳозирги кунда завод территориясида резина-техника цехи, двигателларни ремонт қиладиган участканинг янги биноларини қуриш ишлари режаланмоқда. Эски корпусларни ремонт қилиш, қозонхоналар қуриш назарда тутилаётир.

Ана шу тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида ўн биринчи беш йиллик охирига бориб корхонада товар маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватлари 1,5 баробарга кўпаяди, меҳнат унумдорлиги ҳам сезиларли ошади.

Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари меҳнатдан келган бойлик эвазига фаровон турмуш кечирмоқдалар, ўзларининг бўш вақтларини қўнгилли ва мароқли ўтказмоқдалар. Шу кунга қадар корхонанинг 50 нафардан зиёд ишчи ва хизматчиси касаба союз йўлланмаси билан иттифоқимизнинг турли шаҳарларидаги дам олиш уйларида, курортларда, пансионатларда ҳордиқ чиқариб қайтдилар. Айни вақтда пойтахтимизнинг «Роҳат» кўли атрофида корхонанинг бир йўла 320 ишчиси кўнгилли ҳордиқ чиқарадиган дам олиш зонаси барпо этилаётир. Бу ерда ишчилар учун ёзги дам олиш уйлари қурилмоқда. Чойхона, ошхона бинолари қад ростламоқда.

Ҳа, корхона меҳнаткашлари партиямизнинг тарихий XXVI съезди қарорларини изчил амалга ошириш йўлида бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

**Ҳ. ШАРИПОВ.**

**«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи аҳоли учун кўплаб устки ва ички трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш учун курашмоқда. «Беш йилликка —ишчи кафолати» шиори остида меҳнат қилаётган бирлашма филиалининг тикув цехи чеварлари (юқоридаги суратда— чапда) Ҳ. Иброҳимова, Г. Абдужабборова, А. Фролова ва У. Содиқовалар смена топшириқларини 120—130 процент ado этиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Улар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ado этишга ахд қилишган.**

**Ўнгдаги сўратда эса бирлашманинг ёш, лекин моҳир чеварларидан бири Мухтабар Пўлатова акс этган. У ўрта мактабни тугатиб, тўғри корхонага ишга келган эди. Ўтган қисқа вақт мобайнида тикувчилик касбини пухта эгаллаб олди. Энди ликда смена ва ойлик топшириқларини ортиғи билан ado этиб, ҳамкасб дугоналаригa ўрнак бўлмоқда.**

**М. Нуриддинов фотолари.**

# ГАРАЖЛАР ҚУРИЛИШИДАГИ НУҚСОНЛАР

Шаҳар ва унинг муаммолари

Аҳолининг моддий фаровонлиги, турмуш шароити йил сайин яхшиланиб бораётганлигини хусусий енгил машиналарнинг кун сайин кўпаяётганлигидан ҳам билиш мумкин. Ҳозир биргина Тошкент шаҳрида меҳнаткашларга ҳар йили 5—6 минг енгил автомобиль реализация қилиняпти. Умуман олганда эса шаҳар аҳолисининг 95 " мингдан кўпроқ енгил машиналари мавжуд. Уларнинг асосий қисми шаҳар ҳуснига доғ бўлиб тушаётган металл ва гишт гаражларда сақланиб, кўп қаватли уй-жойларнинг ҳовлилари, болалар ўйнайдиган ва аҳоли дам оладиган, шунингдек спорт майдончаларини эгаллаб турибди. Шаҳарда 30 мингдан ортиқ металл гаражлар мавжуд. Булар шаҳримиз ҳуснига доғ тушириши билан бирга аҳолининг ҳақли эътирозларига ҳам сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда пойтахтимизда бу муаммони ҳал этиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширила бошланди. Жумладан, кооператив асосида ер ости гаражлари қурилиши олиб бориляпти, машиналар «тунайдиган» ости очиқ жойлар ташкил этиляпти. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг «Гражданларнинг автомашиналари учун очиқ жойлар қуриш» тўғрисидаги қарорига асосан бу йил пойтахтимизнинг ҳар бир районида учтадан ости очиқ машина турадиган жойлар қуриш кўзда тутилган. Бу гаражлар район Совети ижроия комитетларининг ҳисобига ташкил этилиб, кооператив асосда фойдаланиш учун Ўзбекистон автоҳаваскорлар жамиятига қарашли шаҳар гараж техника хизмати комбинатига топширилмоқда.

Хўш, бу борадаги ишлар қандай амалга оширилятпи? Ости очиқ гаражлар қурилишининг бугунги аҳволи қандай? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида шаҳримиз районларида қурилаётган янги машина тўхташ жойлари билан танишдик.

Киров районидаги, «Марказ—5» кварталида, шундайгина Хуршид кўчасидаги 103 машинага мўлжалланган ости очиқ машина тўхташ жойига гараж техника комбинати хизмат кўрсатяпти.

— Машинлар турадиган ушбу жой ўтган йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширилган,—деди Киров район автоҳаваскорлар жамияти бошланғич ташкилоти раиси В. Ритенко. —қиш бўйи ҳам, ҳозирги кунларда ҳам машиналар турадиган бу гаражда жой бирор кун бўш бўлгани йўқ. «Марказ—5» квартали ва унинг атрофидаги уйларнинг аҳолиси ундан бажонидил фойдаланяпти. Чунки машинлар «тунайдиган» машина тўхташ жойи ҳам 24-квартал ва унинг атрофидаги уйлар аҳолисига яхши хизмат кўрсата бошлади. Айниқса бу борада Сергели район Совети ижроия комитети амалга ошираётган тадбирлар таҳсинга лойиқ бўляпти.

Бундай янги машина тўхтайдиган жойларнинг ташкил этилаётганлиги туфайли шаҳримизнинг кўпгина жойларида металл гаражлар олиб ташланяпти. Кўпчилик ҳамшаҳарларимиз бу муҳим тадбирнинг моҳиятини тўғри тушунишмоқда ва ундан мамнун бўлмоқда. Шу билан бирга машина эгалари бундай ости очиқ жойларда енгил айвон типида соябонлар қуришяпти. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси буни инобатга олиб, ташкил этилаётган ости очиқ машина тўхташ жойларида енгил соябонлар қуриш бўйича ягона лойиҳа ва иш чизмаларини тайёрлаб берди. Бу лойиҳа асосида ҳозир Чилонзор массивидаги Фарҳод кўчаси ва Бўржар канали соҳилида жойлашган машина тўхташ майдончасида енгил айвончалар қурилиши олиб бориляпти. Ҳозирча бу ишни машина эгаларишгина ўзлари амалга оширишяпти.

Ости очиқ майдончаларни район ижроия комитетлари ўз фондларидан қуриб, кооператив асосида ишлайдиган гараж техника хизмати комбинатига топшираётганлиги ва машиналар учун енгил соябонлар қурилиши ҳам кооператив асосида ташкил этилаётганлиги айни муддао бўляпти. Негаки, ҳар бир машина эгаси енгил соябонлар қурилиши учун атиги 100—120 сўм ҳаражат қилади холос. Ҳар жиҳатдан қулай бўлган бу усулни янада оммалаштириш учун шаҳар капитал қурилиш Бош бошқармаси буюртмачи этиб, «Главташкентстрой» эса мавжуд бўлган тайёр лойиҳа асосида енгил соябонлар қуришни амалга оширадиган пудратчи ташкилот этиб белгиланди. Шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорида таъкидлаб ўтилган бўлишига қарамай, шаҳримизнинг айрим районларида машиналар турадиган ости очиқ жойлар қурилишида қатор нуқсонлар ҳам учрамоқда. Масалан, Бўржар канали соҳилида Фрунзе район ижроия комитети томонидан ташкил этилган машина тўхташ жойида жуда ачинарли аҳвол мавжуд. Сабаби ушбу район меҳнат коллективлари бу ердаги машина тўхташ жойини қўлдан кетгунча қабилида қуришган, тўсиқлар ночор аҳволда. Телефон, электр, водопровод келтирилмаган. Қоровуллар турадиган махсус жой ажратилмаган. Шунинг учун ҳам бу ости очиқ майдончага ҳеч ким ўз машинасини қўйишни истамаяпти...

Шу райондаги Муқимий кўчасининг «Фергана» кафеси ёнидаги 150 ўринли майдонча ҳам ўтган йилнинг ноябрь ойида ташкил этилган эди. Майдончада навбатчилик қилаётган машина қабул қилувчи Н. Карповнинг гапига қараганда шундай катта жойда атиги ўн бир кишининг автомобили сақланяпти холос. Сабаби, бу ерга доимий электр токи ўтказилмаган. Бундан ташқари, бу ердаги телефон ҳам кафе телефонига параллел равишда ўтказилган бўлиб, у умуман ишламаяпти. Эстакада қурилиши охирига етказилмаган. Фрунзе район Совети ижроия комитети раҳбарлари бундай машина турадиган жойлар қурилишига катта аҳамият бериши, унинг шаҳримизнинг бошқа районларида бўлганидек пухта, обод, кўркам бўлишига эътибор бериши лозим. Районда металл гаражлари бўлган кишиларнинг автомобилларини тайёр ости очиқ майдонларга кўчириши ташкил қилиш, майдончаларни машиналар билан тўлдириш, уларни лозим даражада ободонлаштириш бўйича ташкилий ишлар қониқарсиз олиб бориляпти. Шаҳримизнинг Ҳамза ва Октябрь районларидаги ости очиқ машина турадиган жойларда ҳам ана шундай аҳволни кузатиш мумкин. Куйбишев районида эса ҳалигача бирорта ҳам ости очиқ машина турадиган жойлар қурилгани йўқ.

Шаҳримизда гаражлар проблемасини муваффақиятли ҳал этишнинг яна бир йўли кўп қаватли ва ер ости кооператив гаражлари қурилишидан иборатдир. Бу борада ҳам анчагина ишлар амалга оширилятпи. «Олмазор» микрорайонида, Ленин районидаги Космонавтлар проспектида, «Марказ-7» кварталида шундай гаражлар қурилиши олиб борилятпи. Тез орада бу гаражлар фойдаланишга топширилади. «Марказ-27» кварталидаги тўққиз қаватли уй-жойларнинг тагида қурилган 266 ўринли ер ости гаражи эса ҳанузгача фойдаланилмаяпти. Бу уй-жойларнинг ишга туширилганига беш йилдан ошяпти, аммо лойиҳаловчиларнинг айби билан ер ости гаражига кириладиган йўлак кўзда тутилмаган. Натижада йўлак масаласини ҳал этиш муаммоси район ижроия комитети, лойиҳаловчилар томонидан пайсалга солиниб келинятпи.

Ҳамза районидаги Бирлашган кўчасида жойлашган ости очиқ машина турадиган майдончанинг бир қисми асфальтланмаган, кўпгина нуқсонлар мавжуд. Октябрь районидаги «Марказ-26» ва «Марказ-27» кварталлари ўртасида 150 машина сиғадиган майдонча қурилган бўлишига қарамай, у гараж-техника хизмати комбинати томонидан қабул қилиб олингани йўқ. Чунки бу ерда ҳам қатор нуқсонлар мавжуд, тўсиқлар ночор аҳволда, доимий электр таъминоти ташкил қилинмаган.

Шаҳар капитал қурилиш Бош бошқармасининг планига кўра бу йил Киров районидаги Юнусобод массивининг А-3 микрорайонида 450 ўринли кўп қаватли гараж қурилиши лозим эди. Киров район ижроия комитети автоҳаваскорлар жамияти бу ерда кооператив ташкил этмаганлиги туфайли ҳалигача 4-қурилиш тресті ушбу гараж қурилишини бошлай олмаяпти. Бу трест Пушкин ва Пишпек кўчалари ёнида ҳам 26 ўринли гараж қурилишини ҳали бошлагани йўқ. Октябрь районидаги «Халқлар дўстлиги» проспекти ёнида ҳам бу йил 120 ўринли ер ости гаражи қурилиши планга киритилган. Район автоҳаваскорлар жамияти кооператив ташкил этмаганлиги туфайли бу ерда ҳам маблағлар жамланмаган. Натижада қурилиш орқага сурилятпи.

Шаҳар капитал Бош бошқармаси планига муваффақ келгуси йилда шаҳримизнинг «Қўйлиқ-5Б» микрорайонида 190 ўринли ер ости гаражи, Чилонзорнинг 24-қаватли ва бошқа районларда ҳам кўплаб ер ости гаражлари қурилиши лозим. Район Советлари ижроия комитетлари партия ва ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрлиги туфайли қурилиши белгиланган гаражлар ва ости очиқ майдончаларнинг пайсалга солинмасдан ишга туширилишини таъминлашлари, уларни лозим даражада жиҳозлашлари лозим. Бунинг учун улар шаҳар Совети ижроия комитети қарорида кўрсатилган миқдорда ости очиқ машина турадиган жойлар қурилишини ташкил этишлари, милиция назорати ва ободонлаштириш жиҳатидан қўллаб-қувватлашлари, уларни гараж техника хизмати комбинатига топшириши керак. Бундан ташқари, қурилиш планларига киритилаётган кўп қаватли ва ер ости кооператив гаражлари белгиланган муддатида қурилишини таъминлаш учун автоҳаваскорлар район жамиятлари кооператив ташкил этиш ишини тезлаштиришлари, бу борада ташаббус кўрсатишлари тақозо этилади. Бу пойтахтимизда гаражлар муаммосини муваффақиятли ҳал этишнинг бирдан бир йўлидир.

**Ҳ. ҚАЮМОВ,**
**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой қурилиш кооперативлари фаолиятини координациялаш бўлими бошлиғи.**

**М. АБДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент оқшоми» мухбири.**



# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## СОВЕТ БУЮРТМАЛАРИ БИЛАН

СОФИЯ. Запас қисмлар ва асбобларни сақлаш учун қурилган янги автомат омборлар корхоналардаги унумсиз қўл меҳнатини тугатиш ишига муҳим ҳисса қўшади. Буни «Интрансмаш» Болгария — Венгрия бирлашмасининг мутахассислари яратдилар. Улар ўз ишларида автоматлаштириш ва электроника соҳасида сўнгги вақтда эришилган муваффақиятлардан фойдаландилар.

Бирлашманинг бош директори Т. Мутаров ТАСС мухбирига бундай деди: «Интрансмаш» бундан 16 йил илгари ташкил этилган. Шу йиллар мобайнида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан илмий-техникавий ҳамкорлик туфайли бирлашма ҳозирги замон автомат омборлар ва завод юк ташиш системаси учун асбоб-ускуналар яратувчи ва ишлаб чиқарувчи етакчи ташкилотлардан бирига айланди.

Совет Иттифоқи бизнинг асосий буюртмачимиздир, деб таъкидлади директор. Бирлашмада тузилган 20 га яқин автоматлашган омбор КаМАЗда муваффақият билан фойдаланилмоқда. «Интрансмаш» маркаси қўйилган асбоб-ускуналари ВАЗга, Тольяттига, Киев, Минск, Уфа, Тбилиси корхоналарига юборишбошланди. Шу шаҳарларнинг фабрика ва заводларида турли қувватларга эга бўлган Болгария автоматик юк кўтаргичлари, контейнерлар, юкларнинг вазни ва ҳажмини белгиловчи қурилмалардан фойдаланилмоқда.

## ЭНЕРГЕТИКЛАР МЕҲНАТ ЗАФАРИ

БУХАРЕСТ. Руминияда энг катта «Темирдарвоза —1» ГЭСи йил бошидан бери 4 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия ҳосил қилди. Дунай энергетиклари меҳнатда эришган муваффақиятларини миллий байрамга бағишладилар.

Энергетика — Руминия халқ хўжалигининг узлуксиз ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг қувватлари тобора ошмоқда. Ҳозирги вақтда Дунайда яна иккита гидроэлектростанция барпо этилмоқда. Олт ва Себеш дарёларида ГЭС каскадлари қад кўтармоқда. Бир қанча саноат районларида иссиқлик электр станциялари қурилмоқда.

## ЎРИМ—ЙИҒИМ БОШЛАНДИ

УЛАН-БАТОР. Монголияда ўрим-йиғим кампанияси бошланди. Бу ишга Селенга аймоғи — мамлакатнинг ғалла кони хўжаликлари биринчи бўлиб киришдилар. Бу ерда ҳосилнинг яхши бўлиши кутилмоқда. Мамлакатнинг бошқа районларида ҳам ўрим-йиғим кампаниясига тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳамма жойда ҳосилни йиғиштириб олиш юзасидан оперативштаблар тузилган, механизациялашган комплекс бригадалар ва звенолар ташкил этилган. «Ўрим-йиғим—81» кампаниясида қатнашувчи 700 дан ортиқ комбайн ва 1 мингдан ортиқ юк автомобиллари шай қилиб қўйилди.

## ЗАРБДОР ВАХТАДА

ХАНОЙ. Совет-Вьетнам иқтисодий ҳамкорлигининг дастлабки корхонаси—Ханой биринчи станок ва асбобсозлик заводи коллективи Вьетнам коммунистик партияси V съезди шарафига меҳнат вахтасида турибди. Шу илғор машинасозлик корхонаси меҳнаткашлари республика ҳаётидаги муҳим воқеа шарафига тармоқ ишчилари социалистик мусобақасини авж олдириш ташаббускори бўлди. Коллектив жумладан меҳнат унумдорлигини ошириш, станоклар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларини ишлаб чиқариш, ҳом ашё ва материалларни тежаш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилди.

## НЕФТЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон нефть, химия саноати ва ўғит ишлаб чиқариш министри П. Ч. Сетхи мамлакат парламентида сўзлаб, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон нефть ва газ ресурсларини разведка қилиш ва қазиб чиқариш соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда, деди. У депутатларнинг саволларига жавоб қайтариб, ҳозирги вақтда совет геологларидан бир группаси Рипура штатида контроль пармалаш ишларини олиб бораётганлигини айтди. Совет мутахассисларининг ёрдами билан Ғарбий Бенгалия штатида қидирув ишларини олиб бориш ҳам мўлжаллаб қўйилган. СССР Гужаротда ва бошқа районларда эски нефть кон-қудуқларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳам Ҳиндистонга ёрдам беради, деди министр.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон нефть қазиб чиқариш саноатида чорак асрдан буён ҳамкорлик қилмоқда. Совет ва Ҳинд геологлари ва нефтчилари биргаликда иш бошлаганларида, Ғарб мамлакатларининг кўпгина экспертлари мамлакатда нефть ва газ конларини очиш истиқболларига ишонқирамай қараган эдилар. Лекин 1958 йилдаёқ СССР ёрдами билан Гужарот штатида газ кони топилди, икки йилдан кейин эса нефтга бой район аниқланди. Икки томонлама самарали ҳамкорлик туфайли Ҳиндистоннинг иқтисодий ҳаритасида қарийб 40 та катта-катта нефть кони, шу жумладан мамлакатда энг бой деб ҳисобланган Камбай кўрфазидаги нефть кони пайдо бўлди.

СССРнинг техникавий ёрдами билан Ҳиндистон нефть ва табиий газ давлат комиссияси тузилди. Мамлакатда қазиб чиқарилаётган «қора олтин»нинг 80 процента ана шу комиссия ҳиссасига тўғри келади.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

УЛАН-БАТОР. Шаҳардаги жун тозалаш корхоналари ишлаб чиқариш бирлашмаси социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари учун «Қутб юлдузи» ордени билан мукофотланди. Бу коллектив тармоқ корхоналари ўртасида ўтказиладиган меҳнат мусобақасида ҳамиша пешқадам. Бирлашмада барча технология жараёнлари пухта йўлга қўйилган. Мусобақанинг кенг қўламда, мусобақа якунларини чиқаришда ошкралик ва оперативлик муваффақиятга эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлмоқда.

Бирлашма коллективи еттинчи беш йилликда мамлакатга 30 миллион тугрик миқдорида қўшимча маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олди.

## ИНСОН ВА АТРОФ-МУҲИТ

БЕЛГРАД. Югославиянинг география ҳаритасида иккита янги қўриқхона пайдо бўлди. Мамлакатнинг марказий районларида жойлашган Тара ва Копаоник массивлари қўриқхона деб эълон қилинди. Бу тоғли массивлар ўзининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан шуҳрат қозонган бўлиб, қишда бу ерда қор кўп ёғади ва мўътадил иқлим мамлакатнинг турли районларидан минглб туристларни ўзига жалб этади.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Ражастхан штатида миллий парк барпо этиш ишлари бошланди. Жайселмер ва Бармер шаҳарлари яқинидаги Тар даштида махсус тўсиқлар ўрнатилмоқда. 3.000 квадрат километр майдонни эгаллайдиган паркда ҳайвонлар ва парандаларнинг кўплаб ноёб турлари, шунингдек бу жойлар учун характерли бўлган ўсимликлар қўриқланади. Парк дашт ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига мансуб бўлган жониворлар ва ўсимликларни сақлаб қолиш манфаатлари йўлида илмий тадқиқотлар ўтказиш учун база бўлиб қолади. Давлат мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 2,5 миллион рупия ажратиб беради.

Ҳиндистонда табиат ва ҳайвонот дунёси бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтиришга қаратилган тадбирларга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 202 та қўриқхона ва 20 та миллий парк бўлиб, улар 75 минг квадрат километр майдонни эгаллаган.

* * *

ҚОҲИРА. Миср матбуоти мамлакатда атроф-муҳит бузилишига давом этаётганлиги муносабати билан жиддий ташвиш изҳор этмоқда. Атроф-муҳитнинг бузилишига миллионлаб мисрликлар саломатлигига бевосита хавф туғдиради. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, деб ёзади жумладан «Ал-ахбор» газетаси, мисрдаги барча касалликларнинг 80 проценти атроф-муҳит бузилиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари касалликлар кўп тарқалишининг 40 проценти ичимлик сув зарарланиши сабабли юз бермоқда, мамлакатда ҳавода заҳарли моддалар йўл қўйиб бўлмайдиган даражада тўпланаётганлиги натижасида рак касалликлари кескин кўпаймоқда.

* * *

БРАЗИЛИА. Машҳур архитектор Жозе Карлос Лаэндер Бразилиянинг энг йирик шаҳарлари Рио-Де-Жанейро ва Сая Паулуда атроф-муҳит, асосан атмосфера ҳавоси тобора бузилаётганлиги муносабати билан жиддий ташвишланаётганлигини изҳор қилди. У Сан-Паулуда мамлакат химия саноати корхоналарининг асосий қисми, нефтни қайта ишлаш заводлари жойлашганлигини уқтириб ўтди. Ана шу корхоналарнинг кўпчилиги ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот чиқиндилари билан ҳавони ва сувни ифлослантирмоқда. Рио-Де-Жанейро, деб уқтирди Лаэндер, жаҳонда энг шовқинли шаҳар сифатида нохуш ном қозонган.

Бразилия миллий конгресси ўзининг ялпи мажлисида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни ақлдиллик билан бир овоздан қабул қилди. Қонунда атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилади ва табиатни бутун мамлакат миқёсида муҳофаза қилиш тадбирлари белгиланган.

* * *

ДАККА. Бангладешда анъанавий кўчат ўтказиш кампанияси бошланди. Тош йўллар, дамбалар, каналлар ва дарёларнинг соҳилларига, қишлоқ хўжалик майдонлари дарахт кўчатлари билан қуршаб олинмоқда, шунингдек ёнингарчилик мавсумида сув тошқинлари юз бериши натижасида сув ювиб кетган тупроқлар мустаҳкамланмо қ д а.

Кўчат ўтказиш кампанияси давомида жами 60 миллион туп мевали ва бошқа дарахт кўчатлари ўтказиш мўлжалланмоқда.



**ФОТОАТЛАС.**

**Канберра 1927-йилдан бери Австралиянинг пойтахти ҳисобланади. Бу шаҳар мамлакатнинг энг йирик озиқ-овқат ва енгил саноат маркази ҳамдир.**

**СУРАТДА: Австралия пойтахти кўчаларидан бирида.**

**АДН—ТАСС фотоси.**

АХЛОҚИЙЛИК НИМАДАН ИБОРАТ БУЛМОҒИ ЛОЗИМ? ИНСОНИЙ ҚАДР-ҚИММАТГА, ИНСОННИНГ УЛУҒВОР ИШЛАРГА ДАЪВАТ ЭТИЛГАНЛИГИГА ҚАТТИҚ ВА ЧУҚУР ЭТИҚОДДАН, ОТАШИН ВА ҚУР ИШОНЧДАН ИБОРАТ БУЛМОҒИ ЛОЗИМ. ЖАМИКИ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ҲАМДА БАРЧА ОЛИЖАНОБ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ АСИЛ МАНБАИ АЙНИ ШУ ХИЛ ЭТИҚОД ВА ИШОНЧДИР.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

# Одоб-ахлоқ ҳақида

## оқшом суҳбатлари

№13

## Сила даврасида

# ДОНО БУЛСА ОНАСИ...

**Исрофгарга эрк берсанг,**
**Элни талайди.**

(Мақол).

Хотиним боғчада тарбиячи. Узу-кун болалар даврасида бўлади-ю, кичкинтойлар рухсорига тўймайди. Ишдан қайтишида ҳам бир-икки гўдакни етаклаб, уйга олиб келаверади. Улар ўзимизнинг жужук-бужукларимизга қўшилишиб, уйни бозор қилиб юборишади.

Ким нима деса десину, бизнинг хотин ана шундоқ болажонлардан. Болажон она тўнғичини туққанда пўлатдек мустаҳкам, темирдек чидамли бўлсин деб Темирпўлат дедик. Кетидан қиз туғилди, қувона-қувона Зебинисога ҳавас қилиб, Зебо деб исм бердик. Буёғи Ҳалима, Салима, Раъно, Барно бўлиб кетди. Бундай қарасак кўпайишиб қолибмиз. Навбатдагисини «Маъмура» дедик. Қаранки, яна маъмурчилик бўлди. Бу сафар ўзимизни босиб олиб, ўйлашиб, маслаҳат билан ўғил болага тақлид қилиб Ўғилой деб атадик. Еттита болага исм қўйишда қийналмадигу, Ўғилойдан кейингисни бизни анча қийнади. Вақти-соати етди, хотинни туғруқхонага кўйиб келдим. Эртаси ҳолидан хабар олиш учун йўлда кетяпману: «Ўзи омон-эсон қутилганмикин?», «Нима туккан экан-а?», «Ўз билганини, ўзи ўрганганини қилса-я?» деб ўз-ўзимга гапириб, палатаси олдига келиб қолибман. У ёқ-бу ёққа қараб, дераза тагидан «Хоним» деб чақирдим. Одати бўйича «Лаббай» деб дуррачасини тўғрилаб, салом берди-да, табригимни ҳам кутмай:

— Адаси, бунисиҳаммасидан бошқача, ўткирроқ чиқалинганга ўхшайди, қош-кўзлари попукдек, — деб қолди.

— Омон-эсон қутилибсиз, шунинг ўзи катта бахт. Бола ўз отини ўзи қўйибди. Туғилиш гувоҳномасига исмини Попук деб ёздиринг, — дедим-да, бўшашиб уйга қайтдим.

Аввалроқ биттаяримтасининг исмини Попук қўйсак бўларкан, бу ёғига кетмакет тўрт ўғил туғилди: Ҳисоб: еттига— беш. Бизнинг хоним энди Қаҳрамон она!

Болаларнинг ҳаммаси бир-биридан ширинки асти қўяверасиз. Буларнинг меҳрибончилигини айтмайсизми! Айниқса, қизларим эшикдан кирмасимдан, «Адажон келдингизми?». «Адажон, чарчамадингизми?» деб бўйнимга осилишиб, савол беришгани-беришган.

Болалар кийим-бош деб ҳарҳаша қилмайди. Бириникини бири кийиб катта бўлаверади. Ўқув қуроллари ҳам опасидан синглисига ўтаверади. Бамисоли конвейер. Ҳеч қандай жанжалсиз ўзлари келишиб олаверадилар. Болаларнинг тотув яшашларини кузатиб «умрбод шундай ахил яшашсин» деб кўямиз.

Ҳа, уйимиз ҳар доим ана шундай осойишта, тинч. Баъзилар: «Бу ер кўп болали хонадонга ўхшамайди, қачон қарасанг ҳовли ёғ тушса ялагудек, ҳамма нарса жой-жойида» деб ҳавас билан бизнинг уйни тилга олишади. Ният қилиб бир пиёла чойимизни ҳам ичадилар. Бу, айниқса, янги меҳмон туғилганда бирлинади. Муборакбод қилиб қўни-қўшнилар чиқади, қариндошуруғлар келади.

«— Биз ҳам табаррук бўлиб қолибмиз-а!».

Шундай ўйин-кулги билан йигирма беш йил ўтиб кетибди. Энди ўғилни уйлантириш керак. Тўнгични ўйнаб-ўйнаб уйлантирдик. Уйга катта қозон кирди. Тўй баҳона бир-бири билан учрашмай юрган дўстлар жамуржам бўлишди.

Дўстлар дийдоридан баҳраманд бўлиш мени руҳлантириб юборди. Кўнгил яна тўйни қўмсаб қолди. Ният холис экан, амалга ошди. Қизимни чиқаришга тўғри келди. Ўғилникида ўйнаб юрган эканман, қизнинг тўй ҳаракатидида қийналдим. Қийналиш ҳам гапми, уваланиб кетдим. Мулойимгина хотиним ҳам асабийлашиб қолди. Ҳали у керак, ҳали бу керак, деб тинкамни қуритди. Йигирма олти йил турмуш қилиб сиз оғзимизга санга бормаган эди, биринчи қиз чиқаришдаёқ сочга оқ оралади. Орзу-ҳаваси-ю, фалончига ўхшатиб тўй қиламан деган ҳаётмас арра экан, қурук толни арралагандек гийқиллатаверар-кан. Бунинг устига ўйламай-нетмай, фалончи қизига гарнитура қилди, писмадончи чоғларида қуёвига «Москвич»нинг калитини тутказди, сиз бўлсангиз битта гарнитурани олиб беришга оғриняпсиз, деган таъна ўртайди.

— Хотин, сен олий маълумотлисан, ҳамма нарсага ақлинг етади, ахир уларда бор-йўғи битта қиз, — десам, икки оёғини бир этикка тиқиб қоқиллаб беради:

— Ҳа, топган гапиз шу. Болаларим бечоралар ёшлигида ёлчиб кийинишмади. Энди тузукроқ мол ҳам қилмайсизми? Эртага мол ёғарда одамлар бош қизнга қилган матоҳини қара, демайдими?

— Хоним, мен учун ҳаммаси бош қиз. Бахтини берсин, уларга етаман деб ўйлама.

— Чидамас экансиз, нега қиз чиқараман, тўй қиламан, деб керилиасиз?

— Хотинларнинг ақллиги сен бўлсанг, молпарастидан асрасин. Бўлди қил, ҳозир қочиб кетаман, — дедим жаҳл билан.

Жанжални эшитиб турган бижилдоқ Попук қизим:

— Ҳаммасини Зебизга қилсангиз, опамгиларга нима қолади?... Ада, ойимнинг гапларига қулоқ солманг. Тошкентнинг мебели ёқмаган бўлса, ўзлари топиб келсинлар,— деди.

— Сен гапга аралашма, — деди хотиним зарда билан.

— Нега аралашмас эканман, битта қуёв деб ҳадеб адамларни ўришаверасизми? Кўрамиз- ўша бино қўйган қуёвизни.

«Бормисан, она қизим»,— дедим ичимда.

Тарозининг палласи мен томонга оға бошлагач, хотиним ён бериб:

— Ота-бола билганингларни қилинглар, менинг ишим йўқ, — деди зарда билан.

— Яхшиям бахтимга Попугим бор экан, бўлмаса мени еб қўярмидинг...

Ўзиям зўрга турган экан, кулиб юборди.

— Хоним, ҳар қиз чиқаришда шундай жўжа-хўроз бўлаверсак, қолган умримиз оғуда ўтади-ку,— дедим босиқлик билан— Эшитгансиз-ку, доно бўлса онаси, бахтли бўлур боласи, деган гапни. Ақлли ўрнига кўйиб иш қилсак, исрофга йўл қўймасак ўзимиз ҳам, болаларимиз ҳам бахтли бўлишади.

Шу-шу хотиним фалончи-писмадончиларнинг тўй-тантанасини тилга олмай, тўйларимиз ўриш-жанжалсиз ўтадиган бўлди.

Лекин қиз бола қизлигини қилаверкан. Латта-путтага ўч бўларкан. Буларнинг кўнглини бирдай олиш қийин экан. Навбат Барнога келганда қизлар орасидан «ола» чиқиб қолди. Тўғри, бунга қисман ўзим ҳам айбдорман. Нега десангиз мен ҳазиллашиб, ҳаммангдан Барнони яхши кўраман, деб юрардим. Буни Салима қизим тушмагур тўғри қабул қилиб, ўксиқираб юраркан. Бахтга қарши навбат Барнога келганда «Шарқ» фирмаси «Хелги» сервантини ишлаб чиқарадиган бўлибди. Ишхонамиз коллективи сервантни ўзимиз олиб берамиз, деб тўйдан бир ҳафта олдин уйга «Хелги»ни ташлаб кетишди. Буни кўрган Салима қизим: «Менга кўримсизгина импорт сервантини совға қилувдингиз, суюкли қизингизга яхшиси топиларкан-ку» деса бўладими! Бошимни чангаллаб қулдим-да:

— Ота-она учун фарзаднинг яхшиёмони бўлмайди. Ҳаммаси бирдай. Мен бу нарсани қидирганим, бировга айтганим йўқ. Ҳамкасбларим «Қиз чиқаравериб, қаҳирга тирноғингиз қолмагандир, оғирини биз олиб берамиз» деб мана шу матоҳни ташлаб кетишди,— дедим.

Онаси билан бўлган тортишув ўнчалик таъсир қилмаган эди. Қизимнинг бу гапи суяк-суягимдан ўтиб, дилим сиёҳ бўлиб ўтирган эдим, онаси:

— Дунёнинг ташвиши сизга тушиб қолдими, намунча хаёл сурмасангиз, — деди.

— Онаси, болали уй париштали, кут-баракали, бозор бўлади деб, суриштирмай туғаверибсиз-у, кейин келадиган гапларни ўйламабсиз-да, — дедим.

— Саламанинг гапилан хафа бўляпсизми?— деди хотиним,— у шунчаки айтди-қўйди-да. Арзимаган гапга хафа бўлаверсангиз, тонг отмайди-ку. Яхшиям бахтимизга шуллар бор экан. Чарчаш нималигини билмай чопқиллаб юрибмиз. Бўлмаса аллақачон қариб колган бўлардик, — деб, яна сўради: — Дастурхон, чойнак, пиёла, рюмкаларни прокатдан олдингизми ёки маҳалладан?

— Самовар, қозон, лаган маҳалладан, колгани прокатдан.

— Бемалолхўжа бўлмай, тезроқ ҳаракат қилинг. Тўй келишига икки кун қолдия, дадаси.

Ана, бизнинг уйда яна тўй! Лекин ихчам, исрофгарчиликка йўл қўйилмаган, энг замонавий, энг маданий тўй. Биз ном чиқариш учун тараққ-турук қилиб, «Сени кўйсин, мени олсин» дейдиган тўй қилмаймиз. Биз тўй қилавериб кўзимиз пишиб кетди: икки ёшнинг чиройли, ихчам ва камтарона ўтказган тўйи уларга бахт келтирса бўлгани! Ёшлар қўшақарисин, бизга ўхшаб ували-жували бўлиб тўй ўтказаверишсин.

З. ОРИПОВ.

## Одамлар орасида

# ҲАМИЯТ ТУЙҒУСИ

Вақт эрталабки соат ўнлардан ошгани туфайли трамвай салонида одам сийрак. Олд тамбурдаги бир нафар, орқа тамбурдаги тўрт нафар йўловчини ҳисобга олмаганда, ҳамма салондаги ўриндиқларга бемалол жойлашиб олган, ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

Трамвай бекатдан жилгани ҳамон орқа тамбурда гурунглашиб келаётган тўрт йўловчидан бири салонни оралаб ўтиб, ўрта ўриндиқлардан бирида ўтирган кўҳликкина қизнинг ёнига келди-да, унга нималарнидир гапира бошлади. Аввалига қиз бўй-бастн келишган, башанг кийинган хушсурат йигит сўзларини бепарвогина тинглади. Кейин негадир авзойи ўзгариб, чеҳрасида безовталик аломатлари кўрина бошлади. Бир маҳал йигит қизнинг қўлидан тортиб:

— Турнг, пастга тушиб гаплашамиз,— деди дўқ билан.

—Қанақанги одамсиз ўзи? Қўлимни қўйиб юборинг! Боринг, йўлингиздан қолманг!

Бу машмашани бевосита кўриб турган ён-веридаги йўловчилардан биронтаси ҳам мик этмади. Зўрликка айланиб кетаётган шилқимликдан жони ҳалқумига келган қиз ахири йиғламоқдан бери бўлиб:

— Ҳай одамлар, ёрдам қилсанглар-чи! — дея нидо қилди ҳамки, ён-теваракдагилар лардан садо чиқмади.

Содир бўлаётган бедодликни олд тамбурда кузатиб турган Комилжон ортиқ чидай олмади, қизнинг ёнига шахдам босиб келди-да, сўради:

— Бу йигит танишингизми?

— Йўқ!

— Кўринишдан, — деди вазминлик билан Комилжон қайнаб келаётган ғазабини босиб,— туппа-тузук йигитга ўхшайсиз. Қўйинг ўз ҳолига бу қизни!

Комилжоннинг ваҳоҳатини, боядан бери мик этмай ўтирган йўловчилар нигоҳида содир бўлган ўзгаришни кўриб саросимаданми ёки уятданми йигитнинг лавлагиси чиқиб кетди, пешонасини совуқ тер босди, бирор нарса дейишга тили айланмай, бўшашганича шериклари томон йўл олди.

Комилжон яна ўз жойига бориб турди. Лекин салондагилар шимадандир хавотирланганидек дам Комилжонга, дам йигитларга зимдан кўз ташлашарди. Бу унсиз қараш-лар замирида қандайдир ўй ётганини Комилжон яхши биларди. Шунинг учун трамвай янги бекатда тўхтаб, қалиги йигитлар тушаётганда Комилжон ҳам тушиб уларга рўпара бўлди. Йигитлар ҳам алланечук саросимада қолишди бундан. Комилжон эса самимий кулиб қалиги йигитдан сўради:

— Опангиз ёки синглингиз борми?

— Ҳа.

— Энди бир фараз қилиб кўринг! — деди Комилжон жиддийлашиб, — ҳалиги қиз ўрнида туғишган опангиз ёки синглингиз бўлиб қолсаю, аллақандай бир йигит унга шилқимлик, зўравонлик қилса, индамай турарлингизми?

— Йўқ! — дейишди бир овоздан йигитлар, — адабини бериб қўярдик!

— Ҳа, баракалла! — маъқуллади Комилжон ва сўзида давом этди: — Ана энди ўзингиз ҳам, ўрток-ларингиз ҳам ҳалиги қилиғингизга холис баҳо бериб кўринг! Ниҳоятда хунук-а? (Тўрттала йигит ҳам бўйнини ҳам қилиб, охиста бош ирғади). Шуни тушунган бўлсаларинг, бўлди. Хайр!

Комилжон йигитлар билан илик хайрлашиб, ажралишганидан трамвай деразасидан халидан бери қузатиб турган йўловчиларнинг баъзиси хурсанд, баъзиси ҳайрон бўлиб колди.

Хўш, Комилжоннинг еттиёт бегона кишилар ўртасидаги мажорога аралашувига нима мажбур килди? У ҳам бошқа йўловчилар сингари кулогини кар, кўзини кўр килиб кетаверса бўлмасмиди? Йўқ, у ўз ахлоқий камолотига кўра бундай қилолмасди, унда юксак даражада ривож топган ҳамият туйғуси бунга йўл қўймасди, қўя олмасди.

Ҳамият аслида интегратив, яъни киши маънавий оламидаги бир қатор ахлоқий яралмаларнинг ўзаро уйғунлашиб, мутлақо янги сифат ҳосил этиши орқасида ҳосил этиши натижасида ёнгадиган ахлоқий туйғудир. Бу олижаноб туйғу аввало кишининг инсоний шаън-шараф, қадр-қиммат, ориятни чуқур англаб етиши ва дил-дилидан бенихоя нозик ҳис этиши натижасида рўёбга чиқади ҳамда одам шахсиятидаги виждонлилик, инсофлилик, диёнатлилик, одиллик сингари фазилатлар билан бевосита боғлиқ бўлади.

Мазмуни жиҳатидан ҳамият туйғуси замирида ўзи ва ўзгаларнинг шахсий шаън-шарафи, қадр-қиммати, ор-номусини кирдан қадрлаб, ҳамиша пок сақлашга интилиш ва уларни бошқалар таҳқирлаб, таҳқирлаб, таҳқирлаб, ҳамиша ҳанговар ҳолда тайёр туради. Оғир дард оқибатида ўлим тўшагига тушган беморларни шифокорлар қандай қутқарадилар, деган савол қизиқтириб, Даврон «тез ёрдам» пультида ўттиз кун давомида навбатчи диспетчерлар ёнида кузатиш олиб борди. Ниҳоят, ўша охирги куни шундай хабар олиниши билан «тез ёрдам» машинасида бемор уйига ва касалхонага баравар борди ва шифокорларнинг ўлим билан олишуви тўрт минут давом этган ниҳоятда ҳаяжонли дақиқаларни суратга туширди. Даврон Салимов ўзининг виждони. Ватан олдидаги бурчининг масъулиятли эканлигини тўла маъноси билан тушинадиган чинакам инсон. Мана шундай одамларни олий сўз билан инсон дейиш керак.

2. Ҳар бир гапида ёлғонни қўшиб тиқиштирадиган, кичкина ютуғидан эсанкираб бурун кўтарадиган, мансабига мақлиё бўлиб кеккаядиган манманликка бериладиган кишиларни ёктирмайман. Кўпдан дурустгина иш келмай туриб, ичкиликка ружу қиладиган кишилар билан ҳамиша муросасизман. Бундай кишилар умумий ишимизга ҳалал берадилар. Бундан ташқари одамлар ютуғини кўролмайдиган, унга ичиқоралик, ғаддик қиладиган, коллектив орасида ғиж-ғиж, ёлғон-ёшиклари таркатадиган кишиларни ёктирмайман.

3. Чамаси бу воқеага ярим аср бўлди. 30-йиллар эди. Шайҳонтоҳур даги «Шарқ юлдузи» деган киностудияда «Бағдоддан чиққан американлик» фильмида актер сифатида илк бор синов тарикасида суратга тушдим. Мен ўйнаган роль комсомол аъзоси, батрак эди. Бу роль муваффақиятли чиққанми ёки йўқми, унисидан қатъий назар ўша воқеа хаёлимда энг қувончли дам бўлиб, мухрланиб колган. Чунки ўша синов мени кино оламига бутунлай олиб кириб кетди. Улуғ Ватан урушли йилларида жанг майдонларида дўстлар орттирдим. Совет Иттифоки Маршаллари Жуков, Конев, Рокоссовский, генерал Петров ва бошқа қўмондонлар билан учрашиб, уларнинг сўзларини эшитишга муяссар бўлдим.

4. Ўша фильм туфайли ҳамиша қувонаман. Чунки кинога бўлган ихлосим, интилишим, изланишим мени жаҳоннинг 80 та мамлакатига олиб борди. Жуда кўп мамлакатлар бўйлаб сафар давомида қатор картиналар яратишга эришдим. Ўзбек маданиятининг ҳужжатли кино санъати билан бир умрга боғланиб қолганлигимдан ҳамиша бахтиёрман.

Агар кинога менда ана шундай эътиқод бўлмаганида, балки мен Ўзбекистонда социализмнинг барқ уриб ривожланиши: ер ислоҳоти даврида тортиб, ўтган йилги 6 миллионли пахта давонигача бўлган катта воқеаларнинг актив ҳужатувчиси, уларни суратга тушурувчиси бўлмаган бўлур эдим. Эътиқод шундай кулратли кучки у одамни тоблантиради, меҳнатда ва ижодда кенг уфқлар очади, кишини элга танитади, жаҳоннинг нафас олиши билан яқиндан танишиш имконини яратади.

5. Оилада, фарзандлар тарбиясида биринчи ўринда одамларни ҳурмат қилиш, ростгўй бўлиш, меҳнатсеварлик хислатларини сингдириш лозим. Бунинг учун аввало ўзингиз амал қилиб, ҳар қадамда кўрсатиб туришингиз лозим. Одидий панд-насиҳат хаммавақт ҳам фойда беравермайди. Болачаларни она-Ватанни севишга ўргатиш лозим. Чунки бизнинг бу бепоён Ватанимиз бекиёс улуғ, мўътабар, жуда кимматга тушган.

6. Бўш вақтимни депутатлик наказларини бажаришга бағишлайман. Мени сайлаган Фарғона области Киров районида 100 ўринли болалар боғчаси. йўл қурилиши билан шуғулланяпман. Яна бўш вақтларимни ҳужжатли студия. кинночилар уйи атрофларига дарахт ўтказишга сарфладим. Чунки мен дарахт ўтказишда, биринчидан инсоний завқ олсам, бурчимни ало этсам, иккинчидан унинг жамолидан, чиқарган тоза ҳавосидан баҳра оламан. Табиат билан амалий «ошначилик» қилиш одамга катта ғайрат ва чинакам қувват беради.

## «ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

**саволларига Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, СССР халқ артисти Малик ҚАЮМОВ жавоб беради:**

**1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?**

**2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?**

**3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.**

**4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?**

**5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?**

**6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?**

## МАРД ВА НОМАРД

**(НАСРИЙ МАСАЛ)**

Хушҳаво чинор тагида Арслон айшини суриб ётарди. Унинг олдига йўл-йўл терисини ялитратиб Йўлбарс келди. Арслон сўради:

— Эй Йўлбарс, сен одамзодни кўрсанг қандай даф қиласан?

Йўлбарс деди:

— Одамзод менга даф қилмаса, ҳеч қачон унга тўсатдан ҳужум қилмайман.

— Тўғри, — деди Арслон холисона, — сездирмай туриб, бировга пинҳона ҳужум қилмоқ номарднинг иши.

Шу пайт Арслон момақалдироқдек наъра тортиб юборди. Йўлбарс кўрдики, Арслоннинг бўксасини кўкимтир-сарик бир Чаён чақиб олибди. Уни Йўлбарс бир панжа уриб ўлдирди.

**Байт:**

**Одамий бўл, юзма-юз сўзлашгин инсон билан,**
**Дилларни шикастлама, пинҳоний нишон билан.**

**Тўлқин РАСУЛЕВ.**

Меҳр-оқибатли қудалар. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

## Ишхона — иккинчи уйимиз

# НАҚАДАР ЯХШИСИЗ, АЗИЗЛАР!

**Дўст дўстига жонин қилади қалқон,**
**Дўстдан ҳам яхшироқ борми ҳеч инсон!?**
**(Абдушукур Балҳий).**

Инсонда қудратли бир куч бор. Уни таъриф-лашга қалам ожизлик қилади. Дилни дилларга пайванд этадиган тил, сўздан қудратли нима бор?! Кўнгилни яшнатадиган ҳам, кўнгил кўзгусини синдирадиган ҳам сўз. Донолар доноси, бобокалон шоир Навоий сўз қудратига баҳо бериб, ҳатто ўлиқни тирилтирадиган ҳам сўздир деган. Сўз айтганда дил билан тилни бир тутиш кераклигини шоир алоҳида таъкидлаб, яна уқтиради:

«Тилинг била кўнглингни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтган сўзла бут».

Ву гап ҳақиқат чашмасига ўхшайди. Чеҳраси кулиб, қалби ҳасаддан йиғлаб турган одам заҳри қотилдан ҳам ёмон. Тили билан дили бир, муҳаббатли кишини нурдан яратилганга ўхшатаман. Биласиз, бундай кишиларнинг юзидан нур, кўзидан меҳр ёғилиб туради. Ишхонада, маҳалла-кўйда шундай кишилар билан ҳамдам-ҳамкор бўлсангиз дилингиз яшнаб, руҳий оламингиз парвоз этиб кетади. Мен институтда шундай кишилар билан ишлайман, улар билан фахрланаман. Ҳамкасбларимнинг бири опа, бири ака, бири сингил, бири укадек бўлиб колган.

Одатда биз, уйга қараганда ишхонада кўпроқ бўламиз. Одамлар бир-бирига дардкаш, ҳамдам бўлади. Шунинг учун ҳам ишхонамизга муҳаббат қўйиб, одамларга меҳр боғлаб меҳнат қиламиз.

Институтимизда хотин-қизлар Советининг раиси, катта илмий ходим Земфира опа Мусиннани ҳамма севади. Бу ажойиб аёл катта-ю-кичик н и н г, ҳамма ходимларнинг маслаҳатдош опажонига ўхшайди. Ким нима иш қилмоқчи бўлса, Земфира опа билан фикрлашади. У шундай маслаҳат беради:

—Ҳар бир иш бошланишдан олдин қийин туюлади. Маколда айтилган-ку: «Кўз кўрқоқ, қўл ботир». Бошламоқчи ишингизга дадил киришинг, уни албатта қўлга киритасиз.

Ҳамма ишхонада ҳам дили дилига яқин дугоналар бўлади. Одатда аёллар йиғилишиб қолишса оила, бола-чақа, турмуш ўртоғи ҳақида гаплашишади. Бизнинг аёллар даврамизда Дилором опа Шариповадан оила, рўзғор, турмуш ҳақида кўп нарса ўрганамиз. Дилором опа рўзғор тутиш, болаларни тарбиялаш, кийиниш, оилада тотув бўлиш ҳақида қимматли маслаҳатлар беради.

— Эркак кишининг дилини топган аёл оиласини бахтли қилади, — дейди Дилором опа, — турмуш ўртоғингизни доим эъзозланг. Улар оиласи учун, болалари учун, биз учун, доно халқ айтгандек, «яланг оёқ сув кечиб, қуй тиғида қир кечиб» меҳнат қилишади. Ана шу меҳнат ҳурмати, оиламиз султони ҳурмати турмуш ўртоғимизни авайлаб-асрашимиз ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Турмушнинг аччиқ-чучугини тотиган, паст-баландини кўрган одам бировнинг айбига ва тақдирига қулмайди. Қайтага ширин сўзи, доно маслаҳати билан Дилором опага ўхшаб маслаҳат беради. Мен ишхонамизда Санобар опа Нишонованн ана шундай дилкаш, ҳамдард аёл деб биламан. Унинг ҳар бир ўтит-маслаҳати қалбга қувват, дилга ором беради.

Институтимизда икки юздан ортиқ ходим ишлайди. Улар орасида педагог олимлар, фан докторлари, педагогика Академиясининг мухбир аъзолари, хизмат кўрсатган ўқитувчилар, ажойиб муаллим-устозлар, халқ маорифи аълочилари, бор. Ажойиб дугоналарим Раъногон Отабоева, Изолда Мингбоева, Эътибор Абдурахмонова, Муҳаррам Қобилова, Манзура Аҳмедова, Қумрихон Абдуллаева каби илмий ходимларнинг минг бир яхши фазилатидан қайсисини айтишга ҳайронман: бири ширинсухан, бири дилкаш, бири одам руҳининг кўзгуси, бири дилнинг гулчиси. Ҳаммаларининг фазилати дилга ором беради.

Мусаффо ҳаво бор жойда даво бор. Одамлари иноқ, аҳил ва тотув ишхонада ҳам шундай бир даво борки, ундан илҳом олиб меҳнат қиласиз. Мен шундай коллективда ишлаётганимдан фахрланаман, одамларни севаман, ўзимча дилимдан хитоб қиламан: нақадар яхшисиз, одамлар!

**М. РАСУЛЕВА,**
**Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими.**

3 ЮШКЕНТ бет. ОҚШОМИ
27 АВГУСТ, 1981 й.

# ТУҒИЛГАН КУНГА— АЖОЙИБ СОВҒА

## «ПАХТАКОР» — «СПАРТАК» (Москва) — 3:0

Ўзбекистон футбол мухлислари «Пахтакор»нинг аста-секин ўз мавқеини тиклай бошлаганига ишонган кўринишади. «Спартак» командаси билан учрашувда стадионнинг деярлик ярми томошабинлар билан тўлди. Улар тошкентлик футболчиларнинг ҳар бир муваффақиятини олқишлар билан қарши олиб, ўйинни ҳаяжон билан кузатиб турдилар.

Албатта, томошабинларнинг бундай мадади майдон эгаларини учрашувнинг дастлабки минутлариданоқ илҳом билан, ғайрат ва шижоат билан ҳаракат қилишга даъват этарди. Ленинградлик арбитр Герман Галиковнинг хуштагидан сўнг (айтмоқчи у учрашувни аниқ ўтказиб, судья-инспектор ва кўрик комиссиясининг аъло баҳосига сазовор бўлди) тошкентликлар барча линияларда аниқ ҳаракат қилиб, кенг кўламда ҳужумга ўтишди. Учрашувнинг дастлабки дақиқалариёқ «Пахтакор» бу сафар ҳужумкор ўйин кўрсатишини, москваликларнинг ҳужумчиларига, айниқса ярим ҳимоячиларига эркин ҳаракат қилиш имконини бермасликка қарор қилганлигини кўрсатди. Ҳимоячиларни муҳофаза этиш вазифаси бу сафар тажрибали Алексей Петрушинга топширилди. Геннадий Денисов эса бироз олдинроқда ўйнай бошлади. Бундан ташқари «Пахтакор»нинг тренерлари таянч ярим ҳимоячи ўрнига Мустафо Билоловни қўйишди. У спартакчиларнинг ҳужум тўлқинлари йўлидаги дастлабки тўсиқ вазифасини ўташи лозим эди. Қанотларда майдон эгаларида одатдагидек Бойметов билан Амриев ўйнадилар. Улар қулай вазият келганда ҳужумчиларга ёрдамга келиб, баъзан дарвозани ҳам мўлжалга олиб турдилар. Учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда Ҳусан Бойметов дадил ҳаракат қилиб, тўп билан спартакчиларнинг жарима майдонига кириб боришга ва олий лигадаги ўзининг дастлабки голини киритишга муваффақ бўлди.

Бу гол шунинг учун ҳам қимматли ва қувончли эдики, у «Пахтакор»нинг бу йилги мавсум пешқадамлари устидан қозонган йирик ғалабасига сўнгги нуқта қўйди — 3:0.

Учрашувнинг биринчи ярмида воқеалар қандай ривожланиб борди? Юқорида айтиб ўтганимиздек, пахтакорчилар ўзларининг хавфли рақибларига қарши ўйинда пухта тактика қўлладилар. Ҳимояда улар ҳужумчиларга ортиқча эрк бермай, ҳужум навбати келганда эса қанотлардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Кабаев, Новиков, Семенко ўрин алмашиб ҳимоячиларни чалғитиб туришди. Майдон марказида Олег Пак ва Андрей Якубик учрашувни бошқариш билан бирга, дарвозани ҳам мўлжалга олиб турдилар. Биринчи таймда меҳмонларга нисбатан мезбонларда ҳисобни очиш учун кўпроқ имконият бўлди. Якубикнинг кучли зарбасини спартакчилар дарвозабони Ренат Дасаев қайтаришга муваффақ бўлди. Пак, Новиков, Кабаев бир неча марта дарвозани аниқ нишонга ола билмадилар.

Меҳмонларда икки марта имконият бўлди. Бир марта мавсумнинг энг мерган ҳужумчиси Юрий Гаврилов тўп киритолмади. Иккинчисида Денисов билан Бойметовнинг хатосидан Калашников фойдалана олмади.

Дастлабки 45 минут натижасиз тугаганига қарамай, меҳмонларнинг бу сафар бироз ҳоргин эканликларини, уларнинг суст ҳаракат қилаётганликларини кўрсатди. Пахтакорчилар эса аксинча ташаббусни қўлдан бермасликка, қатъий ҳаракат қилишга тайёр эдилар.

Танаффусдан сўнг тошкентликлар устози Иштван Секеч шогирдларининг ўйинига бироз тузатиш киритганидан кейин уларнинг ҳужуми шиддатлироқ тус олди. Пахтакорчиларнинг устунлиги яққол сезила бошлади. Ҳужумлардан бирида Марат Кабаев катта тезликда бир неча рақибларни ўнг қанотдан алдаб ўтиб, тўпни жарима майдончасига узатиб берди. Спартакчилар ҳимоячиси Александр Мирзоян қўпол хатога йўл қўйганидан сўнг тўп Якубикка етиб келди. «Пахтакор»нинг капитани Дасаевнинг бироз олдинга чиқиб турганини кўриб, тўпни унинг устидан ошириб дарвозага йўллади. Бу тўп томошабинлар учун ҳам, шу куни туғилган кунини нишонлаган Якубикка ҳам ажойиб совға бўлди.

Ҳисоб 56-минутда очилган эди. Яна орадан 11 минут ўтгач, пахтакорчилар ёш ҳужумчи Марат Кабаевни муваффақият билан табрикладилар. У бу сафар чап қанотдан узатилган тўпни гўҳтатиб, уни аниқ дарвозага йўллади — 2:0. Бу Маратнинг олий лигада киритган бешинчи тўпидир. Истеъдодли ўйинчига янгидан-янги тўплар киритишни тилаймиз.

Ҳа, спартакчилар бу матчнинг улар учун шу қадар оғир ўтишини тасаввур этмаган эдилар. Москваликлар ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юборганларидан сўнг, ўйинда бурилиш ясашга кескин ҳаракат қилишга уриниб кўрдилар. Аммо бу кўпга чўзилгани йўқ. Майдон эгаларининг мустаҳкам ҳимоясига, фидокорона ўйинига дуч келган «Спартак»нинг ҳужумлари аста-секин сўна бошлади. Муваффақиятдан илҳомланган тошкентликлар эса ҳужум ҳаракатларини тобора кучайтиришар эди. Ана шундай ҳужумларга баъзан ҳимоячилар ва ярим ҳимоячилар қўшила бошладилар. Меҳмонлар бироз эсанкираб қолишди. Ана шундай ҳужумлардан бирида Ҳусан Бойметов мезбонларни ортда қолдириб, дарвозага учинчи тўпни киритди.

«Пахтакор»нинг ўз майдонидаги ғалаба билан тугаган сўнгги икки учрашуви ҳақидаги таассуротларимизни солиштирайлик. 3:1 ҳисобида тугаган «Арарат» командаси билан бўлган ўйинда ҳамшаҳарларимиз тактик жиҳатдан аниқ ва келишиб ҳаракат қилган бўлишларига қарамай, кўпгина хатоларга йўл қўйишди. «Спартак» билан бўлган ўйинда эса улар аксинча ижодий, қизиқарлироқ ҳаракат қилдилар. Командада тактик интизом мустаҳкамланди, ўйинчилар бир-бирининг ҳаракатини тушуна бошладилар, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турдилар. Спартакчилар билан бўлган учрашувда майдон эгаларининг фақат бир камчилиги яққол кўзга ташланиб турди. Тўп узатишда ниҳоятда кўп хатога йўл қўйилди. Ваҳоланки, ҳар бир аниқ узатилган тўп дарвозага киритиладиган гол сари қўйилган дастлабки қадамдир.

Шундай қилиб, «Пахтакор»нинг мухлислари кутган кунлар етиб келди. Ёшарган, янгиланган «Пахтакор» қизиқарли ўйин кўрсата бошлади, келаси йил мавсумидаги оғир учрашувларга тайёр эканлигини кўрсата бошлади. Аммо олдинда ҳали ишлар кўп. Техник ва тактик соҳадаги камчиликларни тугатиш лозим. Шунинг учун сўнгги муваффақиятлар «Пахтакор»нинг ёш ўйинчиларини эсанкиратиб қўймайди, аксинча уларни янада ғайрат билан тер тўкишга, мақсад сари интилишга даъват этади, деб ўйлаймиз.

**Э. АВАНЕСОВ.**

* * *

**Чемпионат пешқадамлари — Киев динамочилари билан Москва торпедочилари ўртасидаги учрашув 0:0 ҳисоби билан тугади.**

## «Пахтакор» ҳақида 17 фикр

**СССР спорт комитети Футбол бошқармасининг тренери, спорт мастери, Украина ССРда хизмат кўрсатган тренер В. М. Сальковнинг «Тошкент оқшоми» мухбири билан суҳбати.**

— Ҳа, учрашув кутилмаган натижа билан тугади. Пахтакорчиларнинг спартакчилар устидан яна йирик— 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Аммо очиғини айтиш керак, москваликлар бу сафар ўзларига ўхшамас эдилар. Майдонда ўзларига хос илҳом, ғайрат билан ҳаракат қилганлари йўқ.

Тошкентликлар эса аксинча илҳом билан ўйнадилар. Масъулиятни ҳис этиб, камчиликларга йўл қўймасликка интилдилар, деса бўлади. Янгиланган «Пахтакор» ўз тактик ўйин услубини эгаллаётганлиги қувонарли...

**— Майдон эгалари командасида қайси ўйинчилар сизга маъқул бўлди?**

— Албатта биринчи навбатда тажрибали футболчилар Алексей Петрушин ва Андрей Якубик номига илиқ сўзларни айтиш керак. Уларнинг майдондаги ҳаракати яққол сезилиб турди. Спартакчилар билан бўлган ўйинда ушбу ветеранлар ўзларини аямай, бутун куч ва маҳоратларини сафарбар этиб ўйнадилар. Командада уларнинг обрўйи юксак бўлса керак. Ёшлар Якубик ва Петрушинга ўхшашга интилаётганликлари кўриниб турибди. «Пахтакор» бундан кейин ҳам шундай ўйнашни давом эттирса, команда ўзини анча ўнглаб олади. Кўп меҳнат сарфламай, маҳоратни эгаллаб бўлмайди.

Ёш ўйинчиларингиздан бугун менга тез маҳоратини ошириб бораётган ҳужумчи Кабаев, командага катта фойда келтирган Олег Пак ва Нуриддин Амриев маъқул бўлди. Бу йигитларнинг техник маҳорати ва тезлиги ҳозир ҳам чакки эмас. Бир сўз билан айтганда, уларда ҳам, бошқа ёш пахтакорчиларда ҳам маҳоратни ошириш учун имкониятлар бор.

**— «Пахтакор»нинг ўйинида қандай жиддий камчиликларни сездингиз?**

— Бу камчиликларни менгина эмас, пахтакорчиларнинг устози ҳам кўра билди. Мен Иштван Секечни футболга содиқ, ўз ишини биладиган мутахассис деб биламан. Командангизнинг энг катта камчилиги — ўз вақтида ва аниқ тўп узатишдаги, майдонда тўпсиз ҳаракат қилишдаги, команда линияларидаги аниқ келишувнинг камчиликларида деб биламан. Бугун «Пахтакор» спартакчиларни юксак маҳорат ҳисобига эмас, муваффақият сари интилгани, кўтаринки кайфият билан ўйнагани туфайлигина ғалаба қозонди. Буни тушуниш керак. Маҳорат пахтакорчиларга албатта келади. Шунинг учун ҳам дастлабки вақтларда етишмаётган тажриба ўрнини ғайрат, тўла сафарбарлик, меҳнатсеварлик билан тўлдириш лозим.

Яна бир нарсани айтмоқчиман. Пахтакорчиларнинг ҳар бири алоҳида олганда деярли ёмон ҳаракат қилмайди. Команда ўйинига келганда эса, бундай тасаввур йўқолади. «Пахтакор» командасининг яна бир улкан резерви команда ўйинини мустаҳкамлашда деб биламан.

**Редактор С. М. КАРОМАТОВ.**


РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

## ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

**УШБУ ҚОИДАЛАРНИ УНУТМАНГ!**

КВАРТИРАЛАРДА ГАЗ ПРИБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ХАВФСИЗЛИК УЛАР БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШ ҚОИДАЛАРИГА АНИҚ РИОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Газ приборларидан фойдаланишдан олдин ва улар ишлаб турган пайтда ошхонани шамоллатинг.

Гугурт чақишдан олдин плита кранлари берклигига ишонч ҳосил қилинг.

Духовка шкафларидан фойдаланишдан олдин унинг эшикларини 2—3 минут очиб, шамоллатинг. Духовка горелкасини қоғоз билан ёқинг.

Агар Сиз газ плитаси устига таги кенг бак ёки кострюл кўймоқчи бўлсангиз, бунда баланд қобирғали конфоркадан фойдаланинг.

Плитани тоза тутинг. Горелкаларни ҳафтада камида бир марта ювиб туринг.

Ёниб турган газ горелкаларини қаровсиз қолдирманг, газ плиталари устида кир қуритманг— бу ёнғинга олиб келиши мумкин.

Газ трубаларга арқон боғламанг, кир ёйманг ва ошхона иншиларини қўйманг, акс ҳолда бирлашган мурувватлар бузилиши, бу эса газнинг чиқишига олиб келади.

Газ приборлари ўрнатилган хоналарда дам олманг ва ухламанг.

Квартирадан чиқишдан олдин газ приборларининг ҳамма кранлари ҳамда приборларда газ ўтказадиган кранлар берклигига ишонч ҳосил қилинг.

Газ плиталари ёнига келадиган йўл ҳаммавақт очиқ бўлиши керак.

Газ плиталарига бошқа нарсалар ва тез аланга олувчи материаллар қўйманг.



**Квартирада газ ҳидини сезсангиз, кранни беркитинг, ойнани очинг, «04» ва 53-73-46, 53-75-46, 53-56-19, 53-56-31 телефонлар орқали авария хизматини чақиринг.**

**Чекиш, гугурт ёқиш, электр приборларни ёқиш ва ўчириш ман этилади.**

**«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ.**

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VIII да — **Ғариблар**, 29/VIII да **Ун учинчи раис.**

## ЦИРК

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Янги программа. АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР.**

## КИНО

**27 АВГУСТДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«ОРЗУ ҚИЛМОҚ КЕРАК» — **Қозоғистон.**

«ҚАЛБ ВА АҚЛНИ БАҒИШЛАМОҚ» — **Нукус.**

«БОРИС БАБОЧКИН» — **Восток.**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ОҚ ҚАРҒА» — **Дружба** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«СЕВГИ ҲАҚИДА УЧ БОРА» — **Восток** (жуфт соатларда), **Дружба** (жуфт соатларда), **Нукус**, (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«О, СПОРТ, СЕН БИР ОЛАМСАН» — **Ҳамза номли** (16, 18.30, 20.45), **Искра** (17, 20.00).

«АЛВАСТИ»ГА ҚОПҚОН ҚЎЙМАНГ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

**28 АВГУСТДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«ОРЗУ ҚИЛМОҚ КЕРАК» — **Қозоғистон.**

«ҚАЛБ ВА АҚЛНИ БАҒИШЛАМОҚ» — **Нукус.**

«БОРИС БАБОЧКИН» — **Восток.**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ОҚ ҚАРҒА» — **Дружба** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«СЕВГИ ҲАҚИДА УЧ БОРА» — **Восток** (жуфт соатларда), **Дружба** (жуфт соатларда), **Нукус**, (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«О, СПОРТ, СЕН БИР ОЛАМСАН» — **Искра** (17, 20.00).

«АЛВАСТИ»ГА ҚОПҚОН ҚЎЙМАНГ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

Собир Раҳимов районидаги 28-ўрта мактаб томонидан **Зуфарова Муҳаббат Зиявна** номига берилган 156559 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ШОЙИ КЎЙЛАК

Жанубнинг юқори ҳароратли саратони модельерчиларнинг ранг-баранг гулли шойидан жозибали кўйлаклар яратишга бўлган иштиёқини жўш урдириб юборди. Ёзлик шойи кўйлак, кенг бўлади ёки қоматга ёпишиб туради. Худди шундай бирқатор афзалликлари бор. У кишини ёзда салқин тутади, кам ғижимланади, одам енгил ҳаракат қилади.

Табиий ва сунъий шойилардан тикиладиган кўйлакларнинг қат-қат бурмалари, кўкрак бурмаси, енги жозибали чиқади.

Шойидан тикилган кўйлаклар иш пайтида ва кечқурун кийиш учун ҳар томонлама қулай.

**ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!**

34-«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Сиз бу ерда табиий ва сунъий шойи —крепдешин, шифон, атлас, кримплен, трикотиндан замонавий моделда, европача ва миллий фасонда, енги калта ва узун қилиб тикилган кўйлакларнинг ранг-баранг намуналарини танлаб олишингиз мумкин.

34-«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» МАГАЗИНИДА, шунингдек Сиз кузги ва қишки мавсумга мўлжалланган кийимларни ҳам сотиб оласиз.

34-«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» МАГАЗИНИ **Октябрь бозорида жойлашган** (7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар, 8-троллейбус, 29, 32, 36, 34, 64 «э», 28 «э»-автобуслар, 9, 22, 13, 20-маршрут таксилари билан бориш мумкин).

**«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ», «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.**

**КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ МАГАЗИНЛАРИ

**Макулатура тошириб олинган абонементларга**

**А. ГРИННнинг «ТАНЛАНГАН АСАРЛАР» КИТОБИНИ**

**СОТМОҚДА**

**Китоб баҳоси — 2 сўм 60 тийин.**

**Техник-чизмачиларни тайёрлайдиган**

11 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

**Курсга 17 ва ундан катта ёшдаги, 8— 10-синф ҳажмида маълумотли тошкентлик қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

**Ҳужжатлар 31 августгача қабул қилинади.**

**Ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 93-уй, кадрлар бўлими (5, 7, 12, 26, 37, 52-автобуслар, 2, 3, 4, 13, 14, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Қуйбишев кўчаси» бекати).

**Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ 1981—82 ўқув йилига**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:**

**боққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;**

**газлама, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари.**

**ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.**

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН 15 ДАН 20 ЁШГАЧА (**ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача**) **бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар** КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ КОНТРОЛЁР-КАССИР» деган малака берилади.**

**Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

**Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.**

**Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: бош универмаг — ГУМ; «ГАСТРОНОМ» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ва «Универсам»ларда ўтказилади.**

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогика советининг қарорига мувофиқ, билим юртини битириб, бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 10 проценти).

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ЎРТА МАКТАБНИНГ 9, 10 ВА 11-СИНФЛАРИ ИШЛАЙДИ. ЎҚИШ КУНДУЗГИ СОАТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3 х 4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари совети область ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати; 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон: 78-44-30.


## ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

**27 АВГУСТ — ПАЙШАНБА**

**СОВЕТ КИНОСИ КУНИ**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

18.30 «Чарм тўп» клубининг совғини учун». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Мамлакат далаларида». 19.45 Совет киноси кунига. СССР Кинематография Давлат комитетининг раиси Ф. I. Ермаш сўзи. 19.55 Марказий телевидение экранида биринчи марта «Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью» Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Революция поэмалари». Фильм-концерт премьераси. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Волейбол бўйича Халқаро турнир. Финал группасининг матчи. Эркаклар. Ригадан олиб кўрсатилади.

**Узбекистон телевиденнесининг программаси**

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Мушук Леополднинг қасоси». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 80-йиллар комсомоллари». 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ —ҲАЁТГА! «Экономика тежамли бўлиши керак» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қ. Юсупов ва Л. Оқилова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 «Бугун —Совет киноси куни». Кинокўрсатув. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

**28 АВГУСТ — ЖУМА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика 10.05 «Энг ўқимишли қуён». Мультфильм. 10.20 «Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью». Бадиий фильм. 11.50 «Композитор А. Касьянов». Фильм-концерт. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Изланиш қирралари». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 «Шахмат мактаби». «Шахмат тожи учун кураш». I-кўрсатув. 16.40 «Москва ва москвиликлар». 17.10 Фильм-концерт. 17.40 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Рязань область «Светлий путь» колхозининг раиси А. Н. Акимов билан учрашуви. 18.20 Баянчилар оркестрининг концерти. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. 18.45 Олий ўқув юртлари ва техникумларида янги ўқув йилининг бошланишига СССР Олий ва ўрта махсус таълими министри В. П. Елютин сўзи. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». Кўрсатувда РСФРС Олий суди раисининг ўринбосари В. В. Шубин иштирок этади. 20.00 «Эҳтиёт бўлинг, яхмалак». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГФР) 21.30 «Время». 22.05 «Джаз контрасларн». Фильм-концерт премьераси. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Волейбол бўйича Халқаро турнир. Финал группаларининг матчи. Эркаклар Ригадан олиб кўрсатилади.

**Узбекистон телевиденнесининг программаси**

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Бола ва қоптоқ». Мультфильм. 11.40 «Ёз тугади». Телефильм. 12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 12.30 «Шудринг». Телевизион бадиий фильм (рус.). 13.35 «Бунн ҳамма билиши ва ўқдалаши керак». (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Хайр, болалар боғчаси!». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшларнинг меҳнат дастхати». 19.15 «Ҳунар-техника таълими янги ўқув йилида». Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси П. Қ. Қаюмов сўзи. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). 20.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Мусобақа — омма ижоди». 20.30 «Ахборот». 20.50 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Устоз ҳақида сўз. СССР халқ артиси Б. П. Чирков туғилган кунинг 80 йиллигига (рус.). 23.55 Кўрсатувлар программаси.


Узбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективи Узбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлиги босмахонасининг кексаходими, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими **Қобил УМАРЖОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлигининг босмахонаси коллективи кексаходим, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими **Қобил УМАРЖОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг ректорати, партия бюроси ва маҳаллий комитети гигиена ва биохимия кафедрасининг доценти З. Ф. Назаровга отаси **Фатҳулла НАЗАРОВнинг** вафот этганлигини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.





«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия ҳўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва варлик ишлари —33-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери—32-78-94; нашриёт телефон турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарстанциясининг навбатчилари — 39-90-50.

Р—02220. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри, индекс 64581. В— 2198.